



Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

17  
(762)-son

27-aprel

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

КУЛАЙЛИК

Нурота туман марказида олти ойда куриб фойдаланишга топширилган почта алоқаси тармоғи биноси нафақат соҳа ходимлари, балки барча нуроталиклар учун ҳам қулай шароитлар ва янги имкониятлар яратиб берди.

Бир қаватли замонавий бинода тумандаги «Шахло» хусусий фирмаси қурувчилари томонидан 30 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари тез ва соз амалга оширилди.

Мазкур бинода амалиёт зали, архив, касса, жўнатмалар бўлимлари алоҳида хоналарда жойлашган. Ушбу қулайликлар туфайли тумандаги 10 мингдан ортиқ пенсионерларга пенсиялар ўз вақтида етказилмоқда.

СЎНГИ  
ЯНГИЛИК!

Япониянинг Fujitsu корпорацияси рангли «электрон китоб» технологияси асосида FLEPia терминалларининг тест-намуналарини ишлаб чиқаришни бошлаганини маълум қилди. Терминаллар икки хил кўринишда бўлиб, уларга 768x1024 пикселли 12 ёки 8 дюймлик экран (A4 ва A5 формат) ўрнатилган.

Windows CE 5.0 орқали ишлатиладиган мазкур янги маҳсулотнинг ишлаш тартиби web-браузерниқига ўхшайди.

Ушбу сонда:

ИЛК ЧОРАК  
ЯКУНЛАРИ

2-БЕТ ➔

000017  
ЛИЦЕНЗИЯГА  
МУВОФИҚ...

4-БЕТ ➔

НОВОСТИ  
В СФЕРЕ ИКТ

6-БЕТ ➔


КОМПЮТЕР  
САВОДХОНЛИГИ

11-12-  
БЕТЛАР ➔

ҲАЛИМА

16-БЕТ ➔

## Самарқанд Телеком — танлов ғолиби!



Газетамизнинг аввалги сонларида хабар берганимиздек, жорий йилнинг 9-19 апрел кунлари «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи филиаллар ҳамда телекоммуникациялар боғламаларининг 21 жамоаси йилнинг «Энг яхши кабелчи ва электромонтёри» номини қўлга киритиш учун ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

3-БЕТ ➔

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов 25 апрел куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.**

Мажмуада Президентимиз ташаббуси билан қўш гумбазли, икки минорали муаззам масжид қад ростламоқда. Ушбу бетакрор иншоот нафақат пойтахтимиз, балки бутун ўртимиздаги энг йирик масжид бўлади.

Президентимиз иншоотнинг қурилиши, унда шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюрди.**

Мамлакатимиз раҳбари Россия Федерациясининг биринчи президенти Борис Елцин вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов Оксаройда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни, "Юниверсум бокс-промоушн" (Германия) профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Кол ва Р. Чагаевнинг ушбу клубдаги менежери Томас Нибзовни қабул қилди.**

Юртбошимиз Р. Чагаевга "Буюк ҳизматлари учун" орденини ва Андижондаги "ЎЗДЭУавто" заводида ишлаб чиқарилган "Lacetti" автомобили калитини топширди. Шунингдек, Президентимизнинг фармонларига мувофиқ Клаус-Петер Кол — "Жасорат", Томас Нибзов эса "Шухрат" медали билан тақдирланди. Ислоҳ Каримов уларга ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов Оксаройда Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунасни қабул қилди.**

Оксаройда бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳамда долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Украина Бош вазири Виктор Янукович амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.**

Музокараларда Ўзбекистон-Украина муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Матбуотда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари эълон қилинди.**

✓ **Тошкентдаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан таъмирланиб, ишга туширилган маъмур мажмуада ёшлар билан ва маҳоратларини оширишлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

✓ **Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида LG компаниясининг мамлакатимиз бозорида фаолият кўрсатаётганига 10 йил тўлиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Шу билан бирга, тадбирда LG компаниясининг Black Label туркумига оид Shine янги уяли телефони**

нинг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.

## HAY'AT YIG'ILISHIDA

Куни кеча Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳай'атининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис селектор орқали узатилди.

Йиғилишни Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

## Илк чорак яқунлари



Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев "2007 йилнинг биринчи чорагида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, йилнинг биринчи чорагида Агентликнинг барча тизимларида сезиларли муваффақиятларга эришилди. Жумладан, ҳисобот даврида ўтган йил билан солиштирилганда кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 10 фоиз, ёзма хат-хабарлар ҳажми 6,6, жўнатмалар 16,5 фоизга ўсди.

Асосий телефонлар сони 7,3 мингтага ошди ва 2007 йил 1 апрел



ҳолатига кўра 1781,7 минг дон (йил бошида — 1774,4 минг дон)ни ташкил қилди. 2007 йил 1 апрел ҳолатига кўра уяли алоқа абонентларининг сони 3350,0 мингга етди.

Ҳисобот даври давомида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси корхоналари томонидан 172,0 млрд. сўмлик (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати — 147,0 фоиз), шу жумладан, аҳолига 104,5 млрд. сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди.

Агентлик тизимидagi корхоналар томонидан 71,0 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган, жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 23,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Экспорт ҳажми 7,3 млн, импорт эса 8,06 млн. АКШ долларини ташкил этди.

"Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури"га киритилган лойиҳалар бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида 25,1 млрд. сўмлик инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 1,6 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилди.

Шунингдек, маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига уяли хизматини кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони — 665 (ўтган йилнинг шу даврида — 505)тага етди. Шундан 579таси жамоа пунктлари бўлиб, уларнинг умумий сони 650 (2006 йил 1 апрел — 436)тадир. Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,745 млн. нафарга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг жамоа умумтаълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги "ZiyoNET" ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ мамлакатимиздаги мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни "ZiyoNET" тармоғига улаш бўйича танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва танлов эълон қилинди. "ZiyoNET" тармоғига 1700та ахборот ва таълим ресурслари қўшилди.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Дастурий махсусот ишлаб чиқарувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 1,4 мартбага ошди, жорий йилнинг 1 февралда бундай корхона ва ташкилотлар сони 196тани ташкил этди.

Ахборотлаштириш жараёнини жонлантириш мақсадида республи-



ча ҳамда кўрсатилган ҳўмийлик ёрдами харажатлари жами 486 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, ёлғиз пенсионерлар ҳамда меҳнат ва уруш фахрийларига, байналмилалчи жангчилар ва ногиронларга, ногирон фарзанди бор, Чернобил АЭСидаги ҳўлоқат оқибатида касалланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди.

**Ҳўмийлик тарзида ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг 110 нафардан зиёдроги "Ўзбек-телеком" АК филиаллари ҳисобидан телефон алоқаси билан таъминланган.**

Ўтган биринчи чорак давомида ҳудудий почта алоқаси ташкилотлари томонидан пенсия ва нафақа пулларини ҳамда қўшимча хизмат турлари бўйича тушган маблағларни ўзлаштириш бўйича 8 ҳўлат аниқланган, уларнинг умумий миқдори — 70,7 млн. сўм. Ўзлаштирилган маблағнинг 41,56 млн. сўми (58,8 фоизи) айбдорлардан ундирилди ва уларга нисбатан интизомий ва маъмурий жазо қўрилди. Қолган ўзлаштирилган пенсия тўловлари почта филиаллари маблағи ҳисобидан пенсионерларга ўз вақтида тўлаб берилди.

Кўрсатилган хизматлар сифати бўйича корхоналарга келиб тушадиган аризалар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,6 фоизга камайган.

Кўн тартибидagi масала юзасидан бўлган музокараларда "Ўзбек-телеком" АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали директори А.Жўрабоев ва бошқалар иштирок эттишти. Йиғилишда Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов 2007 йилда болалар дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш тўғрисида сўзга чиқиб, ушбу масала бўйича амалга оширилган ва келгусида олиб борилиши зарур бўлган ишлар хусусида гапирди. Шундан сўнг Марказий кенгаш раиси Агентлик ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши раёсатининг буйруқ-қарори асосида 2006 йил давомида ўтказилган "Энг яхши шўроит яратган корхона" кўрик-танлови голибларини эълон қилди. Агентлик Бош директори А.Арипов голибларга диплом ва совринларни топширди.

Ҳай'атда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Дастлаб қуръа ташлаш маросими ўтказилди, жамоалар "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалига қарашли АТСларга тақсимланди. Пойтахтдаги ўн кунлик меҳнат жараёни, бу ерда шахта, компресс-сигнал қурилмалари ва станция қудуқларини меҳнат муҳофазаси ва эксплуатацияси талабларига келтириш юзасидан амалга оширилган ишлар йилнинг энг сара жамоасини аниқлаш учун мезон вазифасини ўтади. Шунингдек, кабелчи ва электромонтёрларнинг хизмат вазифасини бажаришда хавфсизлик техникасига қай даражада риоя қилишлари ҳам ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Хуллас, танлов қатнашчилари зиммасига ҳар бир кабелчи ва электромонтёр билиши, удаллаши лозим бўлган вазифа топширилди. Ўз ишининг ҳақиқий усталаригина линия-кабел ҳўжалигидаги нуқсонларни ўз вақтида аниқлаб, уларни тез муддатда бартараф этишга қодир. Кабелларнинг доимий ҳаво босими остида туришидан тортиб, иш дафтларларининг мунтазам ва тўғри юритилишига — барча жараён уларнинг доимий эътиборида туриши лозим. Буларнинг барчаси танловнинг махсус комиссияси томонидан қайд этиб борилди.

Пухта тайёргарлик билан ташриф буюрган жамоалар орасидан голибни аниқлаш танлов комиссияси учун осон кечмади. Чунки, деярли барча жамоалар ўз тарихига кўп йиллик меҳнатда тоблган, аналог ва рақамли ускуналарнинг ҳақиқий усталарини саралаб олганди. Айниқса, вилоятлардан ташриф буюрган кабелчи ва электромонтёрлар маҳорат борасида ҳар томонлама устун

эканликларини ўз ишлари билан намоён этишиб, голибликка ва совринли ўринларга лойиқликларини исботлай олишди.

19 апрел куни "ТШТ" филиалининг Марказий телефон боғламасида танлов якунланиб, голиб ва совриндорлар маълум қилинди. Совриндорларни

бош мукофоти — 1,5 миллион сўмга эга бўлди.

Иккинчи ўринни эгаллаган "Тошкент Телеком" филиали жамоаси 1 миллион сўм, учинчи ўринни банд этган "Қашқадарё Телеком" филиали жамоаси 750 минг сўмлик

# Самарқанд Телеком — танлов голиби!



қутлаш учун сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров, "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Муҳитдинов, "ТШТ" филиали директори А.Абдурашидов, Миробод телефон боғламаси бошлиғи М.Дадабоевлар кўрик-танловнинг аҳамияти борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

"Энг яхши кабелчи ва электромонтёр" соврини 2007 йилнинг энг яхши жамоаси — самарқандлик телекомчиларга топширилди. Голиб жамоа танловнинг

мукофотни кўлга киритди.

Танловда муносиб қатнашиб совриндорлар қаторидан ўрин олган мезонлар вакили — "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг Янгиобод телефон боғламаси жамоасига 500 минг сўм мукофот тариқасида топширилди. Шунингдек, барча қатнашчилар "Ўзбектелеком" АКнинг махсус совгалари билан тақдирланди.

**Собит АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири  
**Каримжон МУЛЛАБОВ**  
олган суратлар

## YANGI NASHRLAR

**Ҳозирги вақтда нафақат илмий тадқиқотларни, балки кундалик ҳаётимизни ҳам радиоэлектрон аппаратураларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.**

Электроника ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Турмушда ва ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқот институти ва конструкторлик бюросида — ҳамма ерда биз электроника билан тўқнаш келамиз. Айнан, электроника замонавий алоқа воситалари, компьютер тизимлари ва технологияларини, мураккаб ва нозик операцияларни бажарадиган электрон аппаратуралар яратиш имконини бермоқда.

Касбий тафаккурни шакллантириш, замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш борасида атамаларнинг, бинобарин, атамашунослик лугатларининг давлат тилида ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи марта Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида электрон техника ва радиоэлектроника бўйича атамаларнинг ўзбекча-русча изоҳли лугати яратилди. Ушбу лугат техника фанлари докто-

### ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ВА РАДИОЭЛЕКТРОНИКАГА ОИД ИЛК ЛУГАТ

ри, профессор М.Муҳитдиновнинг умумий тахрири остида ишлаб чиқилди ва Ё.Аҳмедова, Ш.Тулаганов, эксперт Т.Жабборов томонидан тайёрланди.

Лугатда электрон, оптоэлектрон, яримўтказгичли, электровакуум, газ-разрядли асбоблар, радиотехника тизимлари, телевидение, радиопеленгаторлар, антенналар, радиотелеметрик ускуна, радио алоқа воситалари, маиший радиоэлектроника, ахборотни ёзиш ҳамда қайта тиклаш ускуллари ва воситалари, лазер техникаси бўйича атамаларнинг кенг спектри акс эттирилган.

Алифбо тартибда жойлаштирилган лугат 2000дан ортиқ атамани ўз ичига олган. У 432 бетдан иборатдир.

Лугат ўзбек тилидаги атама ва таърифларни ҳамда уларнинг рус тилидаги муқобилини, шунингдек, атамаларнинг рус ҳамда инглиз тилларидаги ифодасини ўз ичига олади.

Ақсарият ҳолларда атамалар бирлик шаклда берилган. Атамаларнинг таърифлари ҳам жихатдан унчалик катта бўлмас ҳам, уларнинг моҳиятини очиб беради, асосий мазмунини акс эттиради.

Атамаларнинг ўзбек ва рус тилларидаги изоҳларини таърифлашда асосий диққат-эътибор радиоэлектрон қурилмаларда юз берадиган жараёнларнинг физик моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда масофадан ўқитишнинг юзага келиши муносабати билан ўқитиш жараёнини оптималлаштириш учун зарур дастурий таъминотга эга шахсий компьютерлар негизида электрон дарсликлар яратиш истикболлари тўғрисидаги масала долзарб бўлиб турибди. Шу жихатдан ҳам ушбу изоҳли лугатга электрон техника, радиоэлектроника бўйича электрон дарслик яратишнинг методологик асоси сифатида ҳам қараш мумкин.

Лугатдан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишловчи, ўзининг амалий фаолиятида мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқилган норматив-техник ҳужжатлардан фойдаланадиган муҳандис-техниклар, илмий ходимлар, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг ўқитувчи ва талабалари фойдаланишлари мумкин. Лугатнинг нашриёт ходимлари, таржимонлар ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг муаллифлари учун ҳам амалий фойдалилиги, шубҳасиз.

Кўшимча маълумотни Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказидан олишингиз мумкин.

Телефон: (+998-71) 150-33-78.



## Иш боши — интизом

Самарқандда "Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда "Самарқанд Телеком" ва "ЎзИ-Самарқанд" филиаллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиалининг шаҳар ва туман тармоқлари раҳбарлари, ходимлар бўлими бошлиқлари ва мутахассислари қатнашдилар.

Семинарда Агентликнинг бош юридик маслаҳатчиси Бердиёр Жабборов, ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ҳусан Исаев, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Феруза Сафарова, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ўринбосари Алфия Маннопова, "Ўзбектелеком" АКнинг ишлар бошқарувчиси Нуриддин Иброҳимов ва ходимлар бўлими бошлиғи Марҳабо Нишоновалар сўзга чиқишди.

Ўқув-семинарда ҳужжат юритиш ишларини ташкил этиш, хат-хабарларни ўз вақтида рўйхатга олиш, ижро муддатларини белгилаш ва таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Абдуғофур ҲОТАМОВ,**  
«Xabar»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

"Unitel" МЧЖ 2007 йилнинг 24 апрелидан бошлаб «Билайн» мижозлари учун янги — Camel-роуминг хизматини йўлга қўйди.

### CAMEL-РОУМИНГ

Халқаро автоматик Camel-роуминг — бу «Билайн» мижозларига улар чет давлатларда юрганда, реал вақтда уяли алоқа хизмати учун сарфлаётган харажатларини назорат қилишга имкон берувчи хизмат туридир. Бунда алоқада бўлиш учун абонентнинг ҳисобида мусбат баланс бўлиши кифоя. Абонент исдалган маҳал \*102# (чакирув тугмачаси) коддини териб ўз балансини билиб олиши ёки \*104\* (карта коди)# (чакирув тугмачаси) ёрдамида тўлов картасини ишга тушириши мумкин.

Халқаро Camel-роуминг хизмати автоматик равишда ёқилади ва ундан «Билайн»нинг барча абонентлари фойдалана олишади.

## Хуқуқий саводхонлик

Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида «Фермер аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий-хуқуқий билимларини ошириш — муҳим масала» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Либерал-Демократик Партиясини етакчилари, вилоят партия кенгаши қошидаги тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази, «Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг» акциядорлик

компанияси филиали, вилоят адлия бошқармаси, акциядорлик тижорат «Пахтабанк» бошқармаси вакиллари ва фермер хотин-қизлар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятида тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ҳам муносиб ўрни борлигини таъкидлашиб, уларнинг хуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш муҳим эканлиги тўғрисида гапирдилар.

Фермерлик соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизлар ўзларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
«Xabar»нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## XALQARO HAYOT

## ҲОЗИРЧА САРКОЗИ ОЛДИНДА

Францияда президентлик сайловининг биринчи турида "Халқ ҳаракати иттифоқи" партиясидан номзоди илгари сурилган Никола Саркози 31,11 фоиз овоз ўтлаб рақиблиридан ўзиб кетди.

Сайловчиларнинг 25,84 фоизи қўллаб-қувватлаган муҳолифатдаги Социалистик партия вакили Сеголен Руайял хоним эса иккинчи ўринда боряпти. Яна бир даъвогар — 18,55 овоз жамғарган демократ Франсуа Байруга иккинчи турда қатнашиш насиб этмади.

Сайловда узоқ йиллардан буён қузатилмаган рекорд кўрсаткичга эришилди — рўйхатга олинган аҳолининг 85 фоизи қатнашди. Иккинчи тур жорий йилнинг 6 майда ўтказилади.



## РОССИЯЛИКЛАР ЕЛЦИН БИЛАН ВИДОЛАШДИЛАР

Россиянинг биринчи президенти Борис Елцин 76 ёшида юрак хасталигидан вафот этди.

Ўтган кун Россияда миллий мотам куни бўлиб ўтди. Ун минглаб инсонлар марҳум билан видолашиш учун Москвадаги "Нажоткор Хрис" черковига йиғилдилар. Марҳум пойтахтнинг Новодевичье қабристонига дафн этилди.



## ХОРИЖ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАРИ ҚИСКАРТИРИЛАДИ

Украина ўз худудда Россия телеканаллари кўрсатувларини қисқартирмоқчи.

Бу ҳақда Телевидение ва радиоэшиттиришлар масалари бўйича миллий кенгаш раҳбари Виталий Шевченко маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, агар РФ каналлари Олий Радага бўладиган навбатдаги сайловлар вақтида сайлов кампаниясига аралашадиган бўлса, шундай йўл тутулади. Бунга сабаб, Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги сиёсий инқирозни ноҳолис ёритаётганлигидир. Сайлов жараёнларида хорижий ОАВга баъзи чекловлар қўлаш Украина қонунчилигида кўзда тутилган.

## БОШ ВАЗИР АЙБЛАНМОҚДА

АҚШ Конгресси бош вазир Ричард Чейнига нисбатан импичмент қўллашни бошлади.

Ушбу тақлиф Огайо штатининг демократ-конгрессмени Дэнис Кусинич томонидан илгари сурилди. Унинг айтишича, Америка вакиллар палатасининг юридик қўмитасига импичментнинг учта моддаси тақдим этилган. Кусинич Чейнини разведка маълумотларини нотўғри талқин қилганликда ва АҚШни Ироқдаги ҳарбий ҳаракатларга тортганликда айблаган.



## УЧ ОЙЛИК ИСТЕЪФО

Исроилдаги "Хукуматни тозалаш учун ҳаракат" ташкилоти Олий судга мурожаат этиб, мамлакат молия вазири Авраам Хиршонни бутунлай истеъфого чиқаришни талаб қилди.

Молия вазири Ишчилар миллий федерацияси маблагларини беҳуда сарфлаганликда гумон қилинмоқда. Шу боис, у уч ой муддатга лавозимидан кетишини билдирди. Мамлакат бош вазири Эхуд Олмерт унинг вазифаларини вақтинчалик бажариб туришни ўз зиммасига олди. "Хааретз" газетасининг ёзишича, бош вазир Хиршонни вазифасидан бўшатмоқчи эмас.

## КЕБ ҚОЛИНГ, ТОУОТА!

Япониянинг Toyota компанияси ўз тарихида биринчи бор автомобиллар савдоси бўйича дунёда етакчилиكنи эгаллади. Бу ҳақда компания матбуот котиби Сатоси Ямагучи хабар берган.

Корпорация бу борада ўзининг асосий рақиби — General Motors (АҚШ)ни ортда қолдирди. Маълумотларга кўра, Toyota жорий йилнинг январидан март ойигача деярли 2 млн. 348 мингта машина сотган. GM эса 2 млн. 260 минг автоулов сотишга эришган.



Интернет материаллари асосида  
Усмонжон ЙУЛДОШЕВ тайёрлади

«O'zAloqaKonsalting» MCHJ алоқа ва ахборотлаштириш бозорига соҳа субъектларининг консалтинг хизматларига, инжиниринг ишларига ва қурилиш лойиҳаларини экспертиза қилишга бўлган талабларини қондириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва унинг тизимидаги етук корхоналар, компания ва ташкилотлар кўмағида ташкил этилган.

# 000017-ЛИЦЕНЗИЯГА МУВОФИҚ...

Хозирда «O'zAloqaKonsalting» томонидан алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси субъектлари буюртмалари асосида консалтинг хизматлари кўрсатилиб, инжиниринг ишлари бажарилмақда ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизалари ўтказилмоқда. Жумладан, консалтинг хизматлари йўналишида субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номинал рўйхатларини ишлаб чиқиш, Давлат алоқа инспекцияси билан келишиш ва субъект раҳбариятига тасдиқлаштириш, ҳар йили биринчи чорак давомида ушбу номинал рўйхатларни, ўтган йили амалга киритилган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эътиборга олган ҳолда актуаллаштириб бориш, соҳа субъектларини номинал рўйхатлар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдали ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, соҳага оид ҳар қандай саволларга жавоблар ва маслаҳатлар бериш, сўралган ҳужжатлар, маълумотларни тайёрлаш ва етказиш хизматлари кўрсатилмоқда.

«O'zAloqaKonsalting» билан доимий ҳамкорликда ишлаб келатган «Ўзбектелеком» АҚнинг Андижон, Фаргона, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент филиаллари, уларнинг шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари, «ЎЗИ-Жиззах» ва «ЎЗИ-Қарши» филиаллари Давлат алоқа инспекцияси билан келишилган ҳолда «Ўзбектелеком» АҚ бош директори томонидан тасдиқланган номинал рўйхатлар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан юз фоиз таъминланган.

Бу филиалларга ҳар ой давомида Агентликнинг буйруқлари билан амалга киритилган янги меъёрий ҳужжатлар ва қўшимча зарур бўлган маълумотлар етказиб берилмоқда. Шунингдек, Агентликнинг худудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ҳамда унинг вилеят худудий бошқармалари, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение, телекоммуникация технологияла-

ри ва хизматлари, почта технологиялари ва хизматлари бўлимлари, ЭМММ ва унинг худудий таркибий бирликлари, «UZINFOCOM» маркази, «East Telecom» қўшма корхонаси, «ARS inform» масъулияти чекланган жамиятлари ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган ва бу ҳужжатлар доимий равишда янги-янгиланган, тўлдириб борилмақда.

Таъкидлаш жоизки, «Самарқанд Телеком», «Қорақалпоқ Телеком», «Навоий Телеком», «Бухоро Телеком» филиаллари ҳамда уларнинг боғламаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги, ўқиб-ўрганилиши ва амалда қўланилиши юзасидан мониторинг ишлари ўтказилган бўлса-да, ушбу корхоналарда ҳужжатларни тўлдириш бўйича етарли ишлар олиб борилмаган. Бу ҳолат Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хайъатининг «Соҳа корхоналарини қонун ва норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик ҳолати тўғрисида»ги қарорлари, топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норма-

тив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори бўйича тегишли ишларнинг бажарилиши ҳамма субъектларда етарли эмаслигини кўрсатади. Шунингдек, ўтказилган мониторинг ишлари натижасида почта алоқаси субъектлари ҳам етарли даражада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмаганлиги қайд этилган. Ҳозирги кунга келиб, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Наманган филиали ва унинг 12та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида, Қашқадарё филиали ва унинг 14та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоғида ва 78та почта алоқаси бўлими ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан юз фоиз таъминланган бўлса-да, бу ҳолат Жиззах филиали ва унинг шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида 80 фоизни, Фаргона филиалида 100 фоизни ва унинг тармоқларида 61 фоизни, Сурхондарё филиалида 85 фоизни ва унинг тармоқларида 30 фоизни ташкил этади. Қолган

вилеятлар филиаллари, уларнинг почта алоқаси тармоқлари ва бўлимлари бундай ҳужжатлар билан етарлича таъминланмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири вилеятлар почта филиалларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун мустақил равишда буюртма бериш имкониятига эга эмаслигидир.

Инжиниринг ишларини бажариш бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш комиссиясининг ишчи органи сифатида субъектлар томо-

нидан тақдим этиладиган ҳар хил ҳужжатлар лойиҳалари ўрганилади ҳамда Агентликнинг ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш комиссияси экспертиза хулосаси лойиҳасини тайёрлаш ишлари бажарилади. Берилган буюртмалар бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тегишли давлат, соҳа стандартлари ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилади. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси инвестиция лойиҳаларига Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари асосида техник иктисодий асослаш, техник иктисодий ҳисоблаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳалар бўйича тендер ҳужжатларини тайёрлаш, тендерлар ўтказиш ишлари бажарилади, субъектлар томонидан соҳага оид барча қизқирган саволлар юзасидан маълумотлар ва маслаҳатлар берилди.

2005 йил 2 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси берган 000017-сонли лицензияга мувофиқ, субъектларнинг буюртмалари асосида қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича экспертиза ишлари бажариб келинмоқда. Бу йўналишда ўз ишининг жонқуяр усталари, кўп йиллик ҳаётий тажриба ва иш стажига эга бўлган эксперт-мутахассислар фаолият юритмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида юздан ортик катта-кичик мураккаб муҳандислик иншоотлари лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатли қилиб, белгиланган муддатларда, нисбатан арзон нархларда экспертизадан ўтказилди. Экспертлар сифатли лойиҳалар ва тўғри асосланган сметалар ишлаб чиқарилишини, қурилиш режалаштириладиган объектларнинг ўз вақтида сифатли қилиб қурилишини ва белгиланган муддатларда ишга топширилишини таъминлаш учун меъёрий талабларга риоя қилган ҳолда лойиҳаларни экспертиза қилиш ишларига катта масъулият билан ёндашиб иш кўрмоқдалар.

Абдухалил ҲОШИМОВ,  
«O'zAloqaKonsalting» MCHJ  
консалтинг хизматлари  
бўлими бошлиғи

## «O'ZALOQAKONSALTING» MCHJ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган субъектларга, юридик шахсларга, тадбиркорларга, раҳбар-мутахассисларга уларнинг фаолият юритишлари учун зарур бўлган республика конунлари, қонуности ҳужжатлари, давлат, соҳа стандартлари, меъёрий ҳужжатлар рўйхатларини тайёрлаб, улар билан тез фурсатларда сифатли ва нисбатан арзон нархларда тўлиқ таъминлаб бериш имкониятига эга.

Субъектлар, раҳбар мутахассислар, юридик шахслар ва шахсий тадбиркорлар мурожаатлари асосида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси юзасидан бериладиган саволларга жавоблар ва маслаҳатлар бериш ва уларнинг буюртмалари асосида норматив ҳужжатлар, инвестиция лойиҳаларига «Техник-иктисодий асослаш» лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тез ва соз экспертиза қилиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ва субъектлар фаолиятига оид ҳужжатлар лойиҳаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш имкониятлари мавжудлигини билдиради.

Марҳамат, мурожаат қилинг, хизматингизга доим тайёрмиз!

Бизнинг манзил:  
100000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй.  
Телефонлар: Консалтинг хизматлари — 137-23-86, Инжиниринг ишлари — 137-13-83,  
Қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси — 137-47-13, факс — 137-02-26.  
e-mail: bikmetov@consalting.uz, www.consalting.uz

9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNI

Хонназар хат келтирди...

Хўжамулки қишлоғи туман марказидан анча узоқда — чамаси ўттиз беш қақиримлик йўл. Бир кунда шу масофадан қайтишни ҳам ҳисобга олсак, алоқа бўлими бошлиғи Хонназар ҒОЗИЕВга эл ишончини оқлаш осон кечмаётганлигини англаш қийин эмас. Аммо у Жанубий Сурхон тўғони этагида истиқомат қилаётган қишлоқдошлари хизматида бўлаётгани билан фахрланади. 392 нафар пенсионер, 32 нафар ногирон кўнглини обод айлаётганидан руҳий куч-қувват олади. Шу боис, чарчоқ нималигини билмайди.

— Айниқса, Шердон Эшқобиллов, Бек Шопўлатов сингари пенсионерлар хузурида бўлганимда, вужудимда ўзгача ҳис-туйғу жўш ура бошлаганини сезаман, — дейди Хонназар касби билан гурурланиб. — Бу боболаримиз энг қийин кунларни бошдан кечиришган. Иккинчи жаҳон уруши жанглирида мардларча тобланишган. Ҳар гал уларга пенсия пулини олиб борганимда, хотираларини тинглаб, бугунги барқарор турган тинчликка шўкрона айтаман.

Хўжамулкилик меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашганимизда сарғайган суратларни кўрсатишди. Фронтдош дўстлар йўллаган мактубларни эса биргаликда ўқидик. “Бу хатларни бизга Хонназар келтирди, — дейди Бекбобо суюниб. — Унга мингдан-миг раҳмат. Херсонда яшаётган дўстимни худди кўргандай бўлдим.

Хонназар ҳамроҳлигида Хўжамулкидаги яна бир хонадонга кирдик. Қишлоқ мактабининг собик муаллими Алмирза ака Ғаниев бизни табиатига эса тарзда очик чехра билан кутиб олди. Бу оила газета ва журналларга энг кўп ёзилган экан. Алмирза ака алоқа бўлимидан кўнгли тўқ бўлиб гапирди.

...Хонназар Ғозиев қишлоқ кезмоқда. Одамлар унинг хизматидан мамнун. Олис юртдан хат олган оила қувончи эса худди баҳор кўшидан нур эмганга ўхшайди.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
«Хабар»нинг Сурхондарё  
вилоятидаги мухбири

Қўрғонча, Бешкапа, Пахтаобод, Тантиқсарой, Каттақўрғонча, Кичикқўрғонча қишлоқлари аҳолиси хабарчига ёлчимасди. Энг узоқ ишлагани базўр бир йилга чиқарди. Маош оз, иш ҳажми катта. Вилоят алоқа корхонасидан мутахассис келиб номзод излар экан, улар ичида Муҳаммадjon МИРЗА-АҲМЕДОВ маъқулдай туюлди.

Армияни ўтаган, одамлар билан муомаласи яхши, институтда сиртдан ўқиётган ўқтамгина йигит. Мутахассис хўжалик раҳбарларидан уни хабарчи-

билан гапирадиган бўлди. Қарангки, ҳеч йўллагани — хабарчиликнинг руҳий, маънавий мушкулотларига ҳам дуч келди. Кимсасиз ҳовлида ёлғиз-

Муҳаммадjon Мирзааҳмедовнинг эл назарига тушишида устозлари — (жойлари жаннатда бўлсин) Турғунбой Йўлдошев, Абдулла Маматқулов, Тулабой Эрматовларнинг ҳиссалари катта. Улар вақтида унга устозлик қилиб, қимматли йўл-йўриқларини аямаганлар. Муҳаммадjonни ҳалол ва иродали, чаққон бўлишга ўргатганлар. Ана шу хислатлари туфайли одамларнинг меҳр-хурматини қозонди. Вилоят, туман алоқа корхоналарининг, туман раҳбариятининг, қатор газеталар таҳририятларининг “Фахрий ёрлик”лари билан тақдирланди.

Беҳуда ўтмаган умр

ликка ўтиб ишлашга кўндришларини сўради. Муҳаммадjonга бу таклиф аввалига галати туюлди. “Мен олий маълумотли ўқитувчи бўлмоқчиман, кўчама-кўча юрадиган хабарчи эмас”, демоқчи бўлди. Лекин андиша қилди. “Майли, ишлаб кўрай-чи, бироқ институтни тугатсам, бутунлай мактабга ўтиб кетишим мумкин”, деди.

Ушанда Муҳаммадjon умримни хабарчиликка бахшида этакман, деган фирни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Дастлабки йилларда ёш хабарчи роса қийналди: қишлоқлар кўп, иш қўлами ҳам кўпайгандан кўпайиб борарди. Энг мушқули — одамларнинг феъл-атвори турличалиги бўлиб, ҳар бирига ўзига хос муомала зарур эди. Бирга ёққан гап бошқасига ёқмайди. Бир гал “Газетангиз бугун кечикди, индинга олиб келаман”, дейиши билан ҳалиги одамнинг шунанганги жаҳли чиқиб кетдики, зўрга тинчитди. Шундан сўнг одамларга эҳтиёткорлик

лик укубатидан эзилиб, нигоҳида дард акс этган инсонлар хабарчини жуда интизор бўлиб кутиб ўтирардилар. “Қани, хабарчи бир мужда келтирса, кўнглини обод этса... Жилла курси, у ёқ-бу ёқдан гапллашиб ўтирса...”

Муҳаммадjon бу нидоларни юракдан ҳис этиб, кулдириб, чақчақлашиб ўтирарди улар билан.

— Умрингдан барака топ, — алқашарди улар меҳр тўла кўзларини унга тикиб.

Ҳа, хабарчиликнинг кўнглили жиҳатлари мушкулотларни босиб кетаркан. Янги келган газета-журналларни илҳақ кутиб ўтирадиган зиёли эгаларига топширишининг ўзи ҳам қанчалар ёқимли. Сени очик юз, қувонч билан кутиб олиб, мамнун кузатиб қўядилар. Ва ниҳоят, мутолаа лаззати. Муҳаммадjon ўзи севган газеталардаги мақолаларни кундузлари бир-бир кўздан кечирарди. Оқшомлари бафуржа маза қилиб ўқиб чиқиш билан бирга ўзи ҳам мақолалар ёзишни одат қилди.

— Касбим туфайли эйтибор топиб, хорижий давлатларда бўлдим, дунё кўрдим, — дейди Муҳаммадjon ака. “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали ҳамда вилоят алоқа ҳодимлари бирлашган касабга ушомаси кўмитаси жамоаларидан ғоят миннатдор эканлигини мамнуният билан билдирар экан. — Ўтган йили Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдим. Пенсия ёшига етганда сенга хурмату эҳтирмон кўрсатсалар, умрим беҳуда ўтмаган экан, деб бошинг осмонга етаркан...

Муҳаммадjon ака умрининг 36 йилини алоқа соҳасига бахшида этгани, ака-ука Баҳодир ва Ортикали Юнусалиевлар, Иброҳим Холматов, Мирмуҳсин Мирзамаҳмудов, Фармонкул Азимов каби шоғирлар етиштиргани билан ҳақли равишда фахрланади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
«Хабар»нинг Фаргона  
вилоятидаги мухбири

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоми»нинг 49-бандига асосан қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилди:

2007 йил 26 февралдан лицензиянинг аризасига асосан:

«MAGDEBURG» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмасининг (Жиззах шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001256 рақамли;

2007 йил 15 мартдан лицензиянинг аризасига асосан:

«RASTON SISTEM» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001472 рақамли;

2007 йил 30 мартдан «INTEGRATIONS TELEVISIONS SYSTEMS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқларини қуриш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001668 рақамли;

«RADER-EXCLUSIVE TV» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001770 рақамли;

2007 йил 13 апрелдан: «TOXIR-BAFDOD TV» масъулияти чекланган жамиятнинг (Бағдод шаҳри) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001255 рақамли;

«NOTA BENE BUSINESS» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001728 рақамли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат бож миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 421-сонли қарорига асосан «DIAPAZON» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Тошкент шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001239 рақамли лицензияси 2007 йил 13 апрелдан 10 кўй мuddатга тўхтатиб турилади.

OMONMISIZ, QADRDONIM?

Умр мисоли оқар дарё. Инсон ёши ўтган сари бегубор ёшлик дамлларини бот-бот эслайди. Айниқса, бирга ўйнаб-ўсган ва ўқиган қадрдонларининг билан дийдор қўришмоқни кўнгли кўмсаркан. Бироқ оила, турмуш, иш кабилар билан машғул бўлиб бунга имконият бўлмаслиғи тайин. Бундан

Дийдорингизни соғиндим, дугонажонлар

ташқари, ҳаёт паллахмон тошидек бизларни турли манзилларга улоқтирганини айтмайсизми?!

Мен «Ўзи-Қарши» филиалида узоқ йиллардан буён меҳнат қиламан. Алоқа ходими бўлганимни сабабли «Хабар» газетаси нафақат менинг, балки оиламнинг ҳам сеvimли газетаси бўлиб қолган.

Газета саҳифаларининг бирида У.Йўлдошевнинг кўнгли кечинмалари билан боғлиқ мақоласини ўқиб қолдим. Унда «Омонмисиз, қадрдоним?» деб номланган янги рухн остида собиқ синфдошлар, талабалар, сафдошлар газета орқали учрашшларни мумкинлиги ёзилган. Тўғриси, бу ҳақда анчадан буён ўйлаб юргандим. Энди бунинг вақти келганга ўхшайди. Чунки, дўст

соғинчи менга ҳам тинчлик бермай қўйганди.

1976-1981 йилларда Тошкент электро-техника алоқа институтида тахсил олганман. Тошкентлик Нодира ва Назира исмли курсдош дугоналарим билан учра-

шиб, сўхбатлашиб тураимиз. Самарқандлик курсдош дугоналарим Робия, Мақсуда, Мулкя билан бир ётоқхонада турганмиз. Жуда қадрдон эдик. Бироқ талабалик олтин давримдаги ойдан-да гўзал бу дугоналарим билан ҳали бирор марта учрашмадик. Уларга қарата шундай дейман: Азиз дугонажонлар, омонмисизлар. Сизлар билан кечган қувноқ дамлларни эсласам ўша бегубор ёшликка қайтаман, гўё. Эши-

тишимча, Робия Каттақўрғонда, Мақсуда Иштихонда, Мулкя эса Самарқандда яшаб, алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган экансизлар. Сизларга айтар сўзларим, дил тўла хотираларим бисёр. Дийдор ганимат деганларидек, бир-биримизга хат йўллайллик, учрашайлик... Сизлардан орзиқиб хабар кутиб қоламан.

Раъно ШАРОПОВА,  
«Ўзи-Қарши» филиали муҳандиси




ТАХРИРИЯТДАН:

Азиз муштарий!

Бу дунёда бир-бирига интиқ кўнглиларни яқинлаштириш, соғинган юракларни учраштиришининг ҳам завқи ўзгача.

Ҳўш, сиз кимнинг дийдорига муштоқсиз? Бизга ёзинг, мактубларингизни кутамиз!

Вопросам IT-безопасности уделяется сейчас более чем пристальное внимание, поскольку случаи потери и кражи информации могут привести к краху компании или потере конкурентных преимуществ на рынке.



## ПОСТРОЕНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ IT-БЕЗОПАСНОСТИ

Кроме того, за последние годы участились случаи кражи интеллектуальной собственности. Одновременно корпоративные сети все чаще подвергаются нападением со стороны недоброжелателей или нелояльных сотрудников внутри организации. Хотя монопольное владение конкретной информацией предоставляет конкурентные преимущества на рынке, это в свою очередь должно повышать внимание к построению систем безопасности.

Выборочная и бессистемная реализация мероприятий, направленных на повышение уровня IT-безопасности, не сможет обеспечить необходимого уровня защиты. Чтобы сформировать понимание приоритетности мероприятий по повышению уровня безопасности, необходимо разработать механизм управления рисками IT-безопасности, что позволит направить все усилия на защиту от наиболее опасных угроз и минимизацию затрат.

Для построения системы управления рисками информационной безопасности необходимо ввести следующие понятия:

**Угроза** — потенциально возможное происшествие, неважно, преднамеренное или нет, которое может оказать нежелательное воздействие на бизнес-процессы компании, IT-системы, а также на информационные активы компании. Иначе говоря, угроза — это нечто плохое, что когда-нибудь может произойти.

**Уязвимость информационной системы** — тот или иной ее недостаток, из-за которого становится возможным нежелательное воздействие на нее со стороны злоумышленников, неквалифицированного персонала или вредоносного кода (например, вирусов или программ-шпионов).

**Убыток** — потенциально возможные прямые и косвенные финансовые потери, которые произошли вследствие реализации угрозы и уязвимости.

**Риск** — возможность возникновения некоторой угрозы, связанной с текущей деятельностью компании. Так же риск — это комбинация вероятности события и его последствий (ISO/IEC 27001:2005). Риск отражает возможные прямые или косвенные финансовые потери.

Построение эффективной системы управления рисками IT-безопасности — это не разовый проект, а комплексный процесс, направленный на минимизацию внешних и внутренних угроз при учете ограничений на ресурсы и время. Для построения эффективной системы IT-безопасности необходимо первоначально обобщенно описать процессы деятельности и выделить риски. Затем следует определить порог риска. Превышение подобного порога означает, что данным риском необходимо управлять. Требуется построить такую систему IT-безопасности, которая обеспечит минимизацию рисков с высоким уровнем опасности. Причем риски, имеющие уровень ниже критического, можно вообще исключить из анализа.

С точки зрения процессного подхода, систему управления рисками можно представить как процесс управления рисками (В таблице).

**Бобур ШОМАКСУДОВ,**  
студент факультета телекоммуникационных технологий ТУИТ

### АФОРИЗМ

Лжеца, предателя ничем не устыдишь.  
Тот не опора нам, кто лжив и кто бесстыж.

Алишер НАВОИ

## Новости в сфере ИКТ

### ЧИСЛО ДОМЕННЫХ ИМЕН .JP ПРЕВЫСИЛО 900 ТЫС.

По состоянию на начало апреля 2007 г. общее число зарегистрированных доменных имен в японском национальном домене .jp превысило 900 тыс.


Такие данные сообщил аккредитованный регистратор в домене .jp - компания JPRS. Число 900 тыс. получилось сложением всех доменов второго уровня в домене .jp (около 412 тыс.), доменов третьего уровня

в существующих 10 публичных поддоменах (из них только 368 тыс. зарегистрированы в домене со.jp) и около 128 тыс. IDN доменов в зоне .jp, содержащих иероглифы.

### СПРОВОЦИРОВАНИЕ WAREZOVA

Компания «Лаборатория Касперского» предупреждает о появлении новой модификации червя Warezov, спровоцировавшей вирусную эпидемию.

Вариант Warezov.nf распространяется по электронной почте в виде вложений. По сообщению «Лаборатории Касперского», на долю червя Warezov.nf в четверг приходилось 75-80% от общей массы вредоносных программ в почтовом трафике. После активации Warezov.nf отображает на экране сообщение о неизвестной ошибке, копирует свой исполняемый файл в системный каталог Windows под именем hotpmsta.exe и вносит ряд изменений в реестр операционной системы. Компания «Лаборатория Касперского» уже выпустила обновления антивирусных баз данных, включающие процедуры защиты от Warezov.nf. Впрочем, по состоянию на вечер 19 апреля специалисты компании зафиксировали стабилизацию и последующий спад эпидемии Warezov.nf. Тем не менее, пользователям традиционно рекомендуется не открывать сомнительные вложения, присланные в составе электронных писем.



### ZiyoNET—АНОНС\*

#### «Келажак овози» переехал в новое здание

В столичном студенческом городке «Ёшлик» фондом «Форум культуры и искусства Узбекистана» было отремонтировано и сдано в эксплуатацию здание, в котором разместился Центр молодежных инициатив «Келажак овози».

#### Международная конференция

В Ташкенте состоялась международная научно-техническая конференция «Высокие технологии и перспективы интеграции образования, науки и производства».

#### Программы по цене пиратских дисков

Компания Microsoft объявила о снижении цен на свое программное обеспечение в рамках акции по компьютеризации образовательных учреждений, сообщает Reuters. Стоимость комплекта ПО будет составлять всего 3 доллара.


#### «Фестиваль профессий»

В Муйнакском промышленно-транспортном профессиональном колледже прошел «Фестиваль профессий». На него были приглашены выпускники общеобразовательных школ района, их родители, аксакалы аульных сходов граждан, представители общественных организаций.

#### Семинар для победителей

Фондом «Форум культуры и искусства Узбекистана» в сотрудничестве с общественным движением молодежи «Камолот» проводится традиционный республиканский смотр-конкурс «Келажак овози» в целях расширения навыков и знаний подрастающего поколения, выявления талантливой молодежи, поддержки ее в проявлении своих талантов и достижении высокого уровня мастерства. В шести номинациях конкурса со своими творческими проектами принимают участие юноши и девушки от 15 до 25 лет.

\*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)



### ОЖИДАЕТСЯ АТАКА КИБЕРПРЕСТУПНИКОВ

Киберпреступники подходят к своему делу все более профессионально и применяют новейшие технологии для совершения атак.

По прогнозам McAfee, в течение нынешнего года все виды сетевых угроз будут становиться все более опасными.

В докладе McAfee говорится, что рост число бот-сетей будет стабильно расти, а пополнять их по-прежнему будут в основном Windows-компьютеры. Кроме того, в 2007 году киберпреступники уделяют особое внимание смартфонам и карманным компьютерам. Самыми распространенными угрозами для мобильных устройств эксперты называют в первую очередь фишинг, а также рассылку шпионских и других программ, нацеленных на кражу персональных данных.

# Хабар + tv

2007-йил, 27-апрел  
17 (762)-son

## УЗБЕКСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тўғрилик»  
8.50 Оттин мерос.  
9.00 «Олим ва одам» дастури: «Илҳорий диний ҳақиқатлар»  
«Болалар сайёриси»  
9.50 «Ғани широк, муҳаббат»  
Музыкалар.  
10.15 Д.Зоиров номидagi золик мазгуулини оғзақтарини концерт.  
10.35 «Славян эрши»  
10.55 Дунё нақлими.  
11.00 «Аборот»  
11.15 «Шайхий фикр»  
11.55 «Кўчи фарқини — Спитамени»  
Х.Олимжон номидagi Самарқанди янголди адиб дари ва музейни таърифини оғзақтарини.  
12.50 «Кўчи фарқини — Спитамени»  
Саломатлик. 2-қисм.  
13.45 Оттин мерос.  
13.55 Дунё нақлими.  
14.00 «Аборот»  
14.20 «Олим ва одам» дастури: «Қусоқ қомиласини сув ости суратларини»  
15.10 «Дин тарихини»  
15.30 «Ватанлар»  
16.20 «Кервонлар қизил»  
«Болалар сайёриси»  
16.40 «Этислар — адибларга етаслар»  
17.00 «Аборот»  
17.15 Оттин мерос.  
17.25 «Ортин бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон қўрақонини»  
17.50 «Шайхий дунёқараш ҳақиқат»  
18.10 «Орақтар оғзақтарини»  
18.30 «Ўаёт ва қирғин»  
18.40 «Ошани» Телекелер.  
19.15 «Малик ва банк хабарларини»  
19.20 Дунё нақлими.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эшонлар.  
19.30 «Аборот» (рус тилида)  
20.05 ТВ анбороти.  
20.10 «Осира рилитларини» Телекелерни таърифини.  
20.50 Дунё нақлими.  
21.00 «Аборот»  
21.40 «Янги оқатлар»  
22.00 «Изола тасдиқ» Телекелерни таърифини (Хиндистон)  
22.45 «Қудлимани, муҳаббат» (SMS. Овоқ тарихини)

23.00 Миллий сериал: «Алишер Навоий»  
1-қисм.  
23.25 «Ортин бўйлаб» дастури: «Изола дари оғзақтарини»  
23.45-24.00 Турни наволар

## МУСАВВАТ

15.55 Дастурларни оғзақтарини.  
16.00 «Аборот»  
16.15 «Ватанлар»  
16.20 «Булук келдиқ сарини»  
16.35 «Кино-SMS». Соғирини таърифини.  
16.40 «Хавани»  
16.55 «Домлар оғзақтарини келдиқ сарини»  
17.00 «Юмрти»  
17.20 «Жасорат»  
17.40 «Панжар»  
17.55 «Кино-SMS». Соғирини таърифини.  
18.00 «Муҳаббатий дунё» мифрийни дастури.

## ДУШАНБА — 30 АПРЕЛ

18.20 «Мирзион — 2000 ешда»  
18.25 «UzEX хабарларини» (рус ва инглиз тилларини)  
18.35 «Ғафил мулоқот»  
18.55 «Изида»  
19.00 «ДАВР»  
19.30 «Емлар симфоникси» Серил.  
20.10 «SMS-муноси»  
Еш широкларини таърифини таърифини.  
20.25 «UzEX хабарларини»  
20.30 «Дар мулоқот»  
20.45 «Овон бўйлаб»  
20.50 «Эрши» Серил.  
21.30 «Еллик нақилларини»  
21.40 «Мафрулар ва бетлароти»  
21.50 «Ватанлар»  
21.55 «Изида»  
22.00 «ДАВР»  
22.30 «SMS-муноси»  
Еш широкларини таърифини таърифини.  
22.45 «Гиллик» мифрийни дастури: «Юмрти»  
23.40 «Тасдиқ»  
23.50 — 23.55 «Ақаллар саҳони»

## САМАРҚАНД

17.50 Кўрсатувлар тартибни.  
17.55 Мулаларини. «Шумлақалар»  
18.05 «Телекелер — маркет»  
18.25 «Биласини!»  
18.30 «Полиат» аборот дастури.  
18.50 «Гиллик» Телекелер.  
19.30 «Муноси SMS»  
19.50 «Саломат бўлиш» (рус/уз)  
20.00 «Полиат» аборот дастури (рус/уз)  
20.20 Турни таърифини. «Сезоние мори»  
20.50 «Интервал» (рус/уз)  
21.00 «Жоаб»  
21.30 «Полиат» аборот дастури.  
21.50 «Телекелер — маркет»  
22.10 «Аёл қирғини»  
22.25 «Биласини!»  
22.30 «Полиат» аборот дастури (рус/уз)  
22.50 Кино: «Саломатлик ва саломатлик»  
00.30 — 00.25 Хайрат тун, ширини.

## SPORT

7.00 «Борис» (рус/уз)  
8.00 «Талани»  
8.30 Вайилоти. Ўзбекистон чемпионати.  
9.00 Мулаларини.  
9.10 «Негундие зилдик»  
9.30 «Тоқтасе дома»  
10.20 «Оғзақтарини»  
11.00 «Версини»  
11.30 — 12.00 Оғ спортни. Жаҳон куботи.  
18.00 «Болалар спортни»  
18.20 «Тет-а-тет»  
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
18.50 Фестивал юмрти. «Умрти»  
19.20 «Халқ ўйинларини»  
19.40 Футбол ширини.  
20.00 «Вестни»  
20.20 «Муҳаббатий таърифини»  
20.40 «Маширут» Серил.  
21.30 «Хабарлар» (узб тилида)  
21.50 Кино: «Биласини»-Лешийни юмрти. Х/ф.  
23.45 ТРОМФИНТ.  
00.35 «Тунини оғзақтарини»

## БИРИНЧИ

05.00,09.00,11.00 Навоист.  
05.10 Х/ф «Травоние восқаргани»

06.50 «Армейский мигрант»  
07.30 М/с.  
08.20 «Умиди ва умидон»  
09.10 «Негундие зилдик»  
09.30 «Пока все дожди»  
10.20 «Оғзақтарини»  
11.10 Х/ф «Вестни»  
13.00 «Эрши»  
13.30 Комедия «Оттом дешелес»  
15.20 «Анварий филан» «Шире»  
17.00 «Времени»  
18.00 «Цирк со элаларини»  
20.00 «Времени»  
20.20 «Корғат рилит»  
22.00 Х/ф «Миллар»  
23.50 Х/ф «Колчани»  
01.40 Детектив «Спитамени Спитамени»  
03.10 Комедия «В рилити со Паши»

## РОССИЯ

05.05 Филан-сказка «Риз, два — горе не бери»  
06.30 «Сельский час»  
07.00,10.00,13.00,19.00 «Вестни»  
07.10,10.10 «Местное время. Вести — Москва»  
07.20 «Диалог со жонотлар»  
07.55 Х/ф «Кинет тақий рилит»  
17.15 Кино: "Ярим бахт" /Премьера/.  
18.45 "Қизлар навалар". Абдулла Убайдуллаев.  
19.15 "Нима учун".  
19.55 CINEMA.UZ.  
20.20 "Туркия ҳақида" (рус/).  
20.55 Яқшаини кинолаги: Парк Юрқотки перовал" /Премьера/.  
23.00- 23.05 "Хайригун, шаҳрини".



7.30 "Хабарлар".  
7.50 "Боррое утро".  
8.50 "Хабарлар" (рус тилида).  
9.10 "Непугаемые заметки".  
9.30 "Пока все дома".  
10.20 "Фазенда".  
11.00 "Ҳаёбат".  
11.15 Живой мир. "Планиета Земля".  
12.20 "Кунон, стартлар".  
13.00 "Рақибингиз грессмейстер".  
13.20 "Файлиги ошқона".  
Ўзбекистон чемпионатларида.  
13.40 Футбол. "Насаф"-Самарқанд-Д".  
14.30 - 15.20 Футбол. "Андижон"- "Кизилкум".  
\*\*\*  
18.00 "Ровесник".  
18.20 "Мусликий тайм".  
18.30 "Ферис".  
19.00 "Спорт уик-энд".  
19.40 "Тайм-аут".  
20.00 "Вести".  
20.20 "Мусликий тайм".  
20.40 "Дув-дув жанг". Шоу дастури.  
21.30 "Талқин".  
22.00 Мелодрама: Фильм Вуди Аллена "Матч поинт" 2-қисм.  
23.05 Еврофутбол.  
00.40 "Тунингиз осуда бўласин!"

**БИРИНЧИ**

04.50 Х/ф "Пол маской Беркута".  
05.00,09.00,11.00 Новости.  
05.10 Х/ф "Пол маской Беркута".  
06.50 "Служу Отчизне!"  
07.30 М/с.  
08.20 "Умники и умницы".  
09.10 "Непугаемые заметки".  
09.30 "Пока все дома".  
10.20 "Фазенда".  
11.20 "Живой мир". "Планиета Земля".  
12.20 "Их разжигают митинги".  
13.00 Футбол. Чемпионат России.  
"Зенит" - "Крылья Советов".  
15.00 Комедия "Не посылать ли нам... гонца?".  
17.00 Вечерние.  
17.20 Юбилейный вечер Т. Тараеовой.  
20.00 "Время".  
20.20 Кинополея "Освобождение".  
"Последний штурм".  
21.50 Бокс. Бой сильнейших профессионалов мира. Флойд Мейвезер - Оскар де ла Хойа.  
22.50 Х/ф "Особое мнение".  
01.30 Детектив "Роман без окончания".  
02.50 Т/с "Отец невесты".

**РОССИЯ**

05.05 Комедия "Карантин".  
06.30 "Сельский час".  
07.00,10.00,13.00,19.00 "Вести".  
07.10,10.10 "Местное время. Вести - Москва".  
07.20 "Диалоги о животных".  
07.55 М/ф "Возвращение баузного попутая".  
08.05 "Аншлаг и Компания".  
09.05 "Сам себе режиссер".  
10.20 "Торолок".  
10.50 "Сто к одному".  
11.40 "Смехопанорама".  
12.05 "Гений пародии. Неологая жизнь Виктора Чистякова".  
13.20 "Фитиль №131".  
14.05 "Вести. Дежурная часть".  
14.35 "Местный детектив".  
15.10 Большой праздничный концерт.  
17.00 Телр Е. Петросяна "Кривое зеркало".  
19.25 Х/ф "Аврора".  
21.40 Х/ф "Идиозонист".  
23.50 Триллер "Смертельный груз".  
02.05 Т/с "Доктор Вегас".  
02.45 Канал "Европьюкс".

**НТВ**

05.00 М/ф "Ну, погоди!".  
05.10 Боевик "Мистер и миссис Смит".  
07.00,09.00,12.00,15.00,18.00 "Сегодня".  
07.15 Лотерея "Русское лото".  
07.40 "Дикий мир".  
08.15 "Их нравы".  
09.20 "Едим дома".  
09.55 "Счастливым рейс".  
10.45 "Top Gear".  
11.25 "Авиаторы".  
12.25 "Москва - Ялта - транзит".  
14.20 "Один день. Новая версия".  
15.25 Т/с "Победившая смерть".  
16.00 "Своя игра".  
16.55 Т/с "Авароат".  
18.35 "Чистосердечное признание".  
19.10 "Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю".  
19.45 Детектив "Отрабление по-итальянски".  
21.55 Х/ф "Бен Гур".  
01.45 Комедия "Укротительница тигров".  
03.30 Т/с "Скорая помощь".

**КУЛЬТУРА**

05.30 Канал "Европьюкс".  
09.10 "Капучино".  
09.40 Х/ф "Суета сует".  
11.05 "Легенды мирового кино". Ч.С. Чаплин.  
11.35 "Музыкальный кюкс".  
11.55 М/ф.  
12.55 Д/с "Животные как мы".  
13.50 "Что летать?".  
14.35 "Эпизоды". В. Пахомов.  
15.20 Х/ф "Иду на грозу".  
17.45 "Воспоминания и легенды".  
18.40 Фильм-опера "Сельская честь".  
20.10 "Вокруг света". Нон-стоп.  
20.55 Д/с "Разбудить короля Артура".  
21.55 Х/ф: "Трофиум", "Река".  
23.20 "Прогулки по Бродвею".  
23.50 "Единственный и неповторимый Нэт Кинг Коул".  
00.55 Д/с "Животные как мы".

**СТС**

07.00 Х/ф "Детектив в поисках пропавшей принцессы".  
08.15 М/ф.

08.55,09.20,09.30,10.00,10.30 М/с.  
11.00 "Самый умный".  
13.00 "Жизнь прекрасна".  
15.00 "Снимите это немедленно".  
16.00 Д/с "Мать и дочь".  
17.30 Т/с "Кто в доме хозяйин?".  
18.00 "6 кадров".  
18.10 Х/ф "Даша Васильева. Любительница частного сыска 3".  
22.00 Х/ф "Убийный футбол".  
23.45 "Славя Бобу, ты пришел!".  
01.05 Кино в деталях.  
02.05 Х/ф "Пятую лав".  
03.35 Х/ф "Мистер Фрост".  
05.00 Х/ф "Пьяный".

**ТВ3**

07.00,08.00,09.00,09.30,09.45 М/ф.  
7.30 Жизнь, полная радости.  
08.30 М/с "Аргати".  
11.00 Х/ф "Зенон спасает будущее".  
13.00 Х/ф "Снежная королева".  
17.00 Х/ф "Старик-разбойник".  
19.00 Кинополея.  
20.00 Х/ф "Черные Тигры".  
22.00 Х/ф "Слушатель".  
00.00 Т/с "Говорящая с призраками".  
01.00 Х/ф "Паук".  
03.00 Х/ф "Охота".

**ДТВ**

05.00 Музыка на ДТВ.  
08.05 Чемпионат анекдотов.  
08.55 Тысяча мелочей.  
09.25 М/ф.  
11.20 Х/ф "Затерянные в Антарктиде".  
13.25 Т/с "Шпионы и предатели".  
14.30 "Я выжила".  
15.25 Т/с "На углу, у Патриарших".  
17.35 Самое смешное видео.  
18.00 Смешная реклама.  
18.30 "Этот безумный мир".  
19.00 Фабрика смеха.  
20.00 Территория призраков.  
21.00 Самое невероятное видео.  
23.00 Т/с "С.С. Место преступления Майами".

**TNT**

6.00 М/с.  
8.05,20.00,23.35,0.25 "Дом-2".  
9.00 "Cosmopolitan".  
Видеореяси.  
10.00 "Загадки шоу-бизнеса".  
11.00 "ЖЕНСКАЯ ЛИГА".  
Комедия.  
11.30 "ЧОКНУТЫЙ ПРОФЕССОР". Комедия.  
13.25 "ЧОКНУТЫЙ ПРОФЕССОР-2". Комедия.  
15.40,3.55 "САША + МАША". Комедия.  
17.00 "Звезда против кароке".  
18.00 "Такси" в Питере.  
18.30 "ЗАЧЕМ ВЫ, ДЕВОЧКИ?". Комедия.  
19.00 "Необъяснимо, но факт".  
21.00 Комеди Клуб.  
22.00 "С Анфисой Чеховой".  
22.35 "Cosmopolitan".  
Видеореяси.  
1.25 "ЗОЛОТОЙСКАТЕЛИ".  
Комедия.

## TV-Марказ

## Душанба

07.00 "Премьера" (узб)  
07.30,08.30,10.50,14.00,  
16.30,18.30,21.00 Ўзбек наволари  
08.00 "Премьера" (рус)  
08.45,13.10,15.45,17.30, 20.30  
Мировые хиты  
09.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 4-серия  
10.00 "Сунмас озулар"  
11.00 "Лабиринт Фавна" худ.фильм  
15.00 Теленини  
18.00 "Премьера" (узб)  
19.00 "Премьера" (рус)  
19.30 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 5-серия  
22.00 Комедия по понедельникам  
"ЛЮБОВЬ НА ОСТРОВЕ"  
худ.фильм  
23.45 Миксер

## Сешанба

07.00 Марказ NEWS (рус)  
07.10,10.30,13.15,14.30,  
16.30,17.45,18.10,20.00, 21.30 Ўзбек  
наволари 08.10,12.45,14.10,15.45  
Мировые хиты  
09.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 5-серия  
10.00 "Премьера" (узб)  
11.00 "Любовь на острове"  
худ.фильм  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
15.00 Теленини  
17.00 "Топ-20"  
18.00 Марказ NEWS (рус)

19.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 6-серия  
21.00 "Великолепная семёрка"  
22.00 "НАЦИОНАЛЬНАЯ  
БЕЗОПАСНОСТЬ" худ.фильм  
23.45 Миксер

## Чоршанба

07.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10,08.30,10.40,13.20,  
14.30,16.15,18.10,20.00, 21.30 Ўзбек  
наволари  
07.30 "Премьера" (рус)  
08.00,12.45,14.10,15.45, 17.45  
Мировые хиты  
09.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 6-серия  
10.00 "Набиги" Рашид Холиқов  
бизан  
11.00 "Национальная безопасность"  
худ.фильм  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Теленини  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
19.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 7-серия  
21.00 "Миссия неопознана"  
22.00 Киноколлекция: "СЕРДЦЕ  
АНГЕЛА" худ.фильм  
00.10 Миксер

## Пайшанба

07.00 Марказ NEWS (рус)  
07.10,08.00,10.00,13.30,  
14.30,16.00,18.10,21.30  
Ўзбек наволари

09.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 7-серия  
11.00 "Сердце ангела" худ.фильм  
13.10,14.10,15.45,17.30, 20.00  
Мировые хиты  
14.00 Марказ NEWS (узб)  
15.00 Теленини  
17.00 "Великолепная семёрка"  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
19.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 8-серия  
20.30 "Премьера" (узб)  
21.00 "Юдулли пайшанба"  
22.00 "ИШК СУРУРИ" бадийи  
фильм  
23.45 Миксер

## Жума

07.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10,10.00,13.00,14.30,  
16.30,18.10,19.30 Ўзбек наволари  
08.00 "Топ-20"  
08.45,12.45,14.10,15.45, 20.50  
Мировые хиты  
09.00 Сериял "Оперативный  
псевдоним" 8-серия  
11.00 "Ишк сурури" бадийи фильм  
14.00 Марказ NEWS (рус)  
15.00 Теленини  
18.00 Марказ NEWS (узб)  
19.00 "Кулар фантазиялари"  
20.00 "Сунмас озулар"  
21.00 "Премьера" (рус.)  
21.30 "Кинокур" (рус)  
22.00 "НОЧЬ В МУЗЕЕ" худ.фильм  
00.00 Миксер

## Шанба

07.00 Марказ NEWS (рус)  
07.10,08.30,10.00,13.00,  
17.00,18.10,19.00,21.40  
Ўзбек наволари  
08.00 "Юдулли пайшанба"  
09.00,14.30,16.20 Мировые хиты  
09.30 "Кинокур" (рус)  
11.00 "Ночь в музее" худ.фильм  
14.00 "Премьера" (узб)  
15.00 Теленини  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
18.30 "Аъло-Марказ"  
19.15 Концерт  
21.00 "Набиги" Рашид Холиқов  
бизан  
22.00 Индийское кино "ИГРОКИ"  
00.35 Миксер

## Якшанба

07.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10,14.00,16.20,17.00,  
18.10,19.30,20.30 Ўзбек наволари  
08.00 Концерт  
09.45,10.50,13.35,19.00, 21.45  
Мировые хиты  
10.00 "Сунмас озулар"  
11.00 Индийское кино "Игроки"  
15.00 Теленини  
16.30 "Премьера" (рус)  
17.30 "Юдулли пайшанба"  
18.00 Марказ NEWS (рус)  
20.00 "Аъло-Марказ"  
21.00 "Топ-20"  
22.00 "ДИТЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ"  
худ.фильм

## RTR SPORT

## Душанба

05.55 Футбол. "Дуч-Энергия" - "Динамо".  
08.00,11.00,13.40,16.25,20.45,01.55 "Вести-спорт"  
08.10 ЧМ по слюноку жетраму.  
09.00 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - "Сатурн"  
11.10 "Вести-спорт. Местное время"  
11.20 Хоккей. ЧМ. Россия - Украина.  
13.50 Хоккей. ЧМ. США - Белорусия.  
16.10 "Рыбалка с Радиславским"  
16.35 Дневник. ЧМ по хоккею  
17.10 Хоккей. ЧМ. Швейцария - Италия.  
19.40 "Футбол Россия"  
21.00 Хоккей. ЧМ. Латвия - Швеция.  
23.40 "Неделя спорта"  
00.50 "Футбол Россия"  
01.40 Дневник. ЧМ по хоккею.  
02.35 Хоккей. ЧМ. Канада - Норвегия.  
04.35 Футбол. Обзор матчей Чеш. Англии.

## Сешанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Том" - "Жени"  
08.00,10.20,12.55,16.25,20.45,01.45 "Вести-спорт"  
08.10 "Неделя спорта"  
09.15 "Футбол Россия"  
13.40 "Неделя спорта"  
14.05 Хоккей. ЧМ. Канада - Норвегия.  
16.35 Дневник. ЧМ по хоккею.  
17.10 Хоккей. ЧМ. Латвия - Украина.  
19.40 Футбол. Обзор матчей Чеш. Англии.  
21.00 Хоккей. ЧМ. Россия - Финляндия.  
23.40 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала. "Ливерпуль" - "Челси"  
01.45 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
02.20 Дневник. ЧМ по хоккею  
02.55 Хоккей. ЧМ. Чехия - США

## Чоршанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. "Кубань" - "Спартак" (Москва)  
08.00,10.20,13.25,16.25,01.45 "Вести-спорт"

08.10 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала. "Ливерпуль" - "Челси"  
08.35 Хоккей. ЧМ. Чехия - США.  
12.55 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
13.35 Хоккей. ЧМ. Россия - Финляндия.  
15.55 "Путь Дракона"  
16.35 Дневник. ЧМ по хоккею.  
17.10 Хоккей. ЧМ. Италия - Латвия.  
19.40 Хоккей. ЧМ. Норвегия - Германия.  
22.05 Баскетбол. Чемпи. России. Астана - Финал.  
23.30 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала. "Милан" - "Манчестер Юнайтед"  
01.55 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
02.40 Хоккей. ЧМ по хоккею.  
02.55 Хоккей. ЧМ. Канада - Словакия

## Пайшанба

05.55 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - "Сатурн"  
08.00,10.20,13.25,16.25,21.25 "Вести-спорт"  
08.10 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала. "Милан" - "Манчестер Юнайтед"  
10.35 Хоккей. ЧМ. Норвегия - Германия.  
12.55 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
13.35 Хоккей. ЧМ. Канада - Словакия.  
15.55 "Точка зрения"  
16.35 Дневник. ЧМ по хоккею.  
17.10 Хоккей. ЧМ. Канада - Словакия.  
19.40 Баскетбол. Чемпи. России. Жешув - Финал.  
21.35 Волейбол. Чемпи. России. Мужчины. Финал.  
23.25 Дневник. ЧМ по хоккею.  
23.40 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала. "Севилья" - "Оксфорд"  
01.40 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала. "Вердер" - "Атлетико"  
03.45 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.

## Жума

05.35 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
08.00,11.05,13.40,16.25,20.05,02.50 "Вести-спорт"

08.10 "Путь Дракона"  
08.40 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
11.15 "Точка зрения"  
11.50 "Самый сильный человек", ЧМ по слюноку жетраму.  
12.25 "Рыбалка с Радиславским"  
12.40 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала. "Вердер" - "Атлетико"  
14.55 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.  
15.50 "Футбол Россия. Перед туром"  
16.35 Дневник. ЧМ по хоккею.  
17.10 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
20.15 "Вести-спорт. Местное время"  
21.25 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Финикс 4-я" 1/2 финала. ЦСКА (Россия) - "Уникала" (Исп.)  
22.20 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
00.45 Дневник. ЧМ по хоккею.  
01.00 Волейбол. Чемпи. России. Мужчины. Финал.  
02.55 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Финикс 4-я" 1/2 финала. "Панатинайкос" (Гре.) - "Тур Кералма" (Исп.)

## Шанба


05.00 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
07.25 09.10,13.50,16.25,20.35,02.00 "Вести-спорт"  
07.35 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Финикс 4-я" 1/2 финала. ЦСКА (Россия) - "Уникала" (Исп.)  
09.50,20.50 "Вести-спорт. Местное время"  
09.55 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
12.15 "Футбол Россия. Перед туром"  
12.50 Футбол. Премьер-лига. "Дуч-Энергия" - "Том"  
14.50 "Неделя спорта". Беговое быстрее ветра.  
15.45 Волейбол. Чемпи. России. Мужчины. Финал.

16.35 Дневник. ЧМ по хоккею.  
17.10 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
19.40 Давид. Суперкубок мира.  
21.00 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
23.00 Дневник. ЧМ по хоккею.  
00.00 Футбол. Премьер-лига. "Сатурн" - "Локмотив"  
02.05 Футбол. Чемпи. Англии. "Фулхэм" - "Ливерпуль"

## Якшанба


05.35 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
08.00,10.00,14.10,17.00,21.45,02.05 "Вести-спорт"  
08.10 "Точка зрения"  
08.40 Давид. Суперкубок мира.  
09.40 "Бытие миллион". Реалити шоу.  
10.10,22.00 "Вести-спорт. Местное время"  
11.55 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
10.45 "Сборная Россия". А. Легов.  
11.15 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
13.35 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.  
14.15 Дневник. ЧМ по хоккею.  
14.50 Автоспорт. Мировая серия. Нидерланды.  
17.10 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
19.40 Футбол. Премьер-лига. "Спартак" (Москва) - "Рубин" (Каз.).  
22.05 Хоккей. ЧМ. Квалификационный раунд.  
00.30 Дневник. ЧМ по хоккею.  
00.45 Давид. Суперкубок мира.  
02.10 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Финикс 4-я"

**Минтақавий компьютер тармоғи** бир-бирдан анча узоқ масофада жойлашган компьютерларни ва локал компьютер тармоқларини ўзаро боғлайди. У катта шаҳар, иқтисодий минтақа ва алоҳида мамлакат доирасидаги абонентларни ўз ичига олади.



**Глобал компьютер тармоғи** турли мамлакатлар ёки қитъаларда жойлашган абонентларни бирлаштиради.

Мазкур тармоқ абонентлари ўртасидаги алоқа — телефон, радиоалоқа ва космос алоқа тизими негизда амалга оширилади.



Локал, минтақавий, глобал компьютер тармоқларининг бирлашуви кўп тармоқли "ўргимчак тури"ни ташкил этиб, умумжаҳон ахборот ресурсларини бирлаштириш ва улардан жамоавий фойдаланиш имкониятларини яратди. Буни биз **ИНТЕРНЕТ** деб атаймиз.

(Давоми бор.)


22

## КОМПЮТЕР САВОДХОНЛИГИ




«Эффект-молия» ўқув-илмий маркази ва «Xabar» газетаси таҳририяти

**4. Заставка** ёзуви остидаги бўлимда  танланади. Дастлаб 1 марта «сичқонча»нинг чап тугмачаси, сўнгра «**Параметры**» тугмачаси босилади ва қуйидаги ойна очилади:



**5. «Текст»га** ўтиб исм ёки сўз ёзамиз.



**6. «ОК»ни** босамиз. Натижада компьютерни ишлатмаган пайтимизда экранда ёзган сўзимиз чиқиб туради.


### Компютерда овоз ёзиш

Овоз ёзиш ойнасини очиш учун:

Пуск → Программы → Стандартные → Развлечение


→ Звукозапись амаллари бажарилади.

Қуйидаги ойна очилади:



20

**5. «Мои рисунки»** - бир марта «сичқонча»нинг чап тугмачасини босамиз, «D» дискга ўтамиз ва ойна очилади. Расмлар турган ойнани танлаб, тугмачасини бир марта босамиз.




**6. Расм** танлаб, «сичқонча»нинг чап тугмачасини бир марта босиш орқали «Вставить» буйруғини берамиз. Натижада танланган расмимиз Word ойнасига ўтиб қолади.

### «Рабочий стол»нинг фонини ўзгартириш

«Рабочий стол»нинг фонини ўзгартириш учун:

**1. «Рабочий стол»нинг** бўш жойига курсорни қўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмачасини босамиз. Қуйидаги кичик ойна чиқади:




17


(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

### Дискдаги расмларни компьютер хотирасига кўчириш

1. CD-ROM га дискни қўямиз.
2. Word дастурига кирамиз.
3. Меню қаторидан «Вставка» > «Рисунок» > «Из файла» буйруғини берамиз.



4. «Добавление рисунка» ойнаси чиқади:



- ◀ - овоз ёзиш чизигининг бошига ўтиш,
- ▶ - овоз ёзиш чизигининг охирига ўтиш,
- ▶ - Play — эшитиш,
- - Stop — тўхтатиш,
- - Record - ёзиш.

### Компьютер тармоқлари


Компьютер тармоғи – алоқа каналлари ёрдамида маълумотларни тармоқланган қайта ишлашнинг ягона тизимига улайдиган компьютерлар тўпламидир.

Абонент тизимларининг ҳудудий жойлашувига қараб, компьютер тармоқларини учта асосий туркумга ажратиш мумкин:

1. Локал тармоқлар (LAN – Local Area Network).
2. Минтақавий тармоқлар (MAN – Metropolitan Area Network).
3. Глобал тармоқлар (WAN – Wide Area Network).

Локал компьютер тармоғи унча катта бўлмаган ҳудуд чегарасида жойлашган абонентларни бирлаштиради.


Масалан, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар, банклар, офислар миқёсидаги компьютерларни ўзаро бирлаштирувчи тармоқлар локал компьютер тармоғи туркумига киради. Ҳозирги вақтда локал ҳисоблаш тармоқлари абонентларининг ҳудудий жойлашуви бўйича қатъий чеклашлар йўқ. Одатда бундай тармоқларнинг доираси 2-2,5 км. билан чекланади.



2. Сўнгра «Свойства» буйруғини берганимизда, қуйдаги ойна очилади:



3. «Рабочий стол» бўлимига ўтамиз ва ойна куйдаги кўринишга эга бўлади:





4. «Фоновый рисунок»дан расм танлаб, «ОК» босилади. Натихада танланган расм асосида «Рабочий стол»нинг фони ўзгаради.


### Компьютер экрандаги заставкани кўйиш ёки ўзгартириш

1. Курсорни «Рабочий стол» нинг бўш жойига кўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тугмасини босганимизда, куйдаги кичик ойна чиқади:

2. «Свойства» буйруғини берамиз ва «Свойства» ойнаси очилади:



3. «Заставка» бўлимига ўтамиз ва ойна куйдаги кўринишга эга бўлади:



● XORIY TAJRIBASI

Сапон — бу ном барчамизга жуда яхши таниш. Сифатли фотоаппаратлар ва принтерлар ҳақида гап борганда беихтиёр ушбу компания маҳсулотларини кўз олдимизга келтираемиз. Япониянинг Сапон корпорацияси бугунги кунда илғор технологиялар соҳасининг бошқа йўналишларида ҳам етказиликка асосий даъвогарлардан саналади. Унинг шонли тарихи бевосита Митарайлар оиласи тарихи билан чамбарчас боғланиб кетганки, бунга қуйида ҳам тўхталиб ўтамиз.



# Биз билган Сапон

Компания фаолиятини 1933 йили Токиодаги Takekawayu Building биносининг учинчи қаватида жойлашган бир хонали оптик лабораторияда бошлаган. Лабораторияга икки дўст — Горо Ёсида ҳамда унинг кўёви Сабуро Учида асос солишган. Уларнинг мақсади ўша пайтда энг мукамал ҳисобланган немис фотоаппаратларидан қолишмайдиган аппаратлар ишлаб чиқариш эди. Улар амалда қўлланилаётган барча фотоаппаратларни тадқиқ қилиш билан шуғулланишарди. Бу ишларга Учиданинг яқин дўсти, кейинчалик (1942 йил) компаниянинг биринчи президентига айланган Такеши Митарай ҳомийлик қилар эди.



Mitarai Uchida

Нихоят, 1934 йили 35 миллиметрлик биринчи япон камерасини яратишга муваффақ бўлинди. Динга эътиқоди баланд Ёсида камерани Будданинг меҳр-шафқат маъбудий шарафига "Кванон" (Kwanon) дея атади. Ўша йили "Asahi Camera" журнаlining июн сонида Кванон фотоаппаратлари ҳақидаги илк мақола чоп этилди.

Учида Ёсидадан фарқли ўларок, камераларнинг замонавий ва жарангдор номларда аталишини истарди. 1935 йилнинг 26 июнида расмий рўйхатдан ўтишда айнан унинг ташаббуси билан савдо белгиси ва логотип сифатида Кваноннинг инглизча шакли — "Canon" танланди.

Лабораториянинг номи ҳали оммалашиб улгурмагани боис, бу ерда ишлаб чиқарилган фотокамераларни сотиш ҳуқуқи Omiya Shashin Yohin Co. Ltdга берилди ва фотокамераларда мазкур компаниянинг Napsa савдо белгиси ҳам ишлатила бошланди. Лаборатория бошқа бинога кўчиб ўтгач, кўплаб мутахассислар ишга олинди, янги завод қурилиши бошланди, 1936 йили унга Japan Precision Optical Instruments Laboratory Co. Ltd. номи берилди.

Шунга қарамастан, ишлар ҳануз олға силжий давамси. Ойига 10та, баъзида ҳафтасига бор-йўғи бир донагина фотоаппарат йиғиларди, холос. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сармоядорларни жалб этиш мақсадида компанияни акциядорлик жамиятига айлантиришга қарор қилинди. 1937 йилнинг 10 августидан низом жамгармаси 1 миллион иенга тенг Precision Optical Industry, Co. Ltd. корпорациясига асос солинди. 1939 йилдан Сапон қурилмаларида ўз оптик жиҳозларини ишлата бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари компания учун осон кечмади — унинг маҳсулотларига харидор йўқ эди. Шу боис, вақ-

тинчалик муддатга корпорация таркибиде икки шўъба корхона — радиоприёмниклар ишлаб чиқарувчи Akatsuki-Musen Co.Ltd. ҳамда Kashiwa-Yakugyu Co.Ltd. фармацевтика компанияси ташкил этилди. Бир қарашда фотосаноатга умуман дахли йўқдек туюлгани билан айнан шу корхоналар Сапонни инкироздан сақлаб қолди.

Урушдан сўнг компания фаолиятда юксалишлар кузатила бошланди. Масалан, 1946 йили чиқарилган Canon Sll фотоаппарати мамлакат ҳудудини оккупация қилиб турган Америка ҳарбийлари томонидан қўллаб сотиб олина бошланди. Сапон белгиси жуда танилиб, оммалашиб кетгани боис компания номи ҳам Сапон Camera Co. Inc. дея қайта номланди (кейинчалик компания номидан Camera сўзи олиб ташланди) ҳамда маҳсулотлар экспортга чиқарила бошланди, фотокамералар турли кўргазмаларда қатнашадиган бўлди. 1949 йили Сан-Франциско (АҚШ)да ўтган кўргазмада Сапон IIB камераси дастлабки совринни кўлга киритди.

Юқориде таъкидланганидек, Сапон Митарайлар оиласи тақдирига айланганди. Тақешидан сўнг унинг ўғли Хадзиме Митарай умрининг охири — 1995 йилгача президент лавозимиде ўтирди. Унинг ўрнига сайланган Фузидо Такеши ҳозир ҳам компанияни бошқармоқда. Уларнинг ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги, ишлаб чиқаришга доимий равишда янгиликларни жорий этиб боришлари натижасида шунчалик нуфузга эришилди. Такеши Митарай менежментни юритишни

бугунлай бошқача йўлга қўйди, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибига ўзгартиришлар киритди. Ўзи асли врач бўлгани учунми, ишловчиларнинг компанияда яратилган рентген аппаратидан ўтиб туришларини шарт қилиб қўйди (ўша пайтларда сил касаллиги кўп тарқалганди).

1946 йили Такеши Митарай япон корхоналарининг беш кунлик иш ҳафтасига ўтиши ташаббуси билан чиқди ва намуна сифатида ўз компаниясида ушбу тартибни жорий этди.

Фотокамералар бозоридеги карвонбошилиқ билан қаноатланиб қолмаган компания 1956 йили Сапон Cine 8T кинокамерасини, 1958 йилда эса Сапон Projector P-8 кинопроекторини чиқарди. Фотоиндустрияда мустақкам ўрин эгаллаш баробарида бошқа йўналишдаги фаолият турлари ҳамда дилерлик тармогини кенгайтиришга киришилди. 1970 йилга келиб Европа, Латин Америкаси, АҚШ ва Тайванде корпорация ўз ваколатхоналарини, бир неча шўъба компанияларини очган, фўтба ва киномаҳсулотлар, калкуляторлар ҳамда нусха кўчириш техникалари бозорини ўзлаштирган эди.

Мунтазам ривожланаётган техника соҳасининг деярли барча йўналишларида Сапон фаол иштирокчилардан бирига айланиб бормоқда. 1974 йили коммуникация учун қурилмалар, 1975 йили эса кейинчалик Apple ва Hewlett-Packard компаниялари қурилмалар яратишда асос қилиб олган Сапон лазерли принтерлари ишлаб чиқарила бошланди. 1999 йили Гавайи оролларидаги SUBARU телескопи учун линзалар ясаш бўйича буюртма ҳам Сапонга тақдим этилди.

Бугунги кунда дунё бўйича Сапонга қарашли 200дан зиёд компания мавжуд ва уларнинг йиллик маҳсулот айланмаси салкам 30 миллиард долларни ташкил этади. Асосий даромад икки илғор йўналиш — принтерлар ва компьютер қурилмалари (34,1 фоиз) ҳамда нусха кўчириш аппаратлари (33,2 фоиз) савдосидан келади. Шунингдек, савдога чиқариладиган маҳсулотларнинг 20,4 фоизини фото ва видеокамералар, 5,1 фоизини оптик жиҳозлар, 3,9 фоизини телекоммуникация қурилмалари ташкил этади.

● ALOQA OLAMIDA

## GOOGLE — ЭНГ ҚИММАТ

Millward Brown тадқиқотлар компанияси дунёнинг энг қиммат савдо белгилари (брендлар) номини эълон қилди. Унга кўра, бу йил нархи 77 фоизга қimmatлашиб 66,4 миллиард долларга етган йирик интернет-қидирув тизими Google бренди етакчи ўринга кўтарилган. Google ўтган йили Millward Brown рўйхатида еттинчи ўринда қайд этилганди.



Рўйхатнинг етакчи бешлигида General Electric (61,9 млрд), Microsoft (55 млрд), Coca-Cola (44 млрд), China Mobile (41,2 млрд) сингари йирик компанияларнинг савдо белгилари ҳам бор.

## ИШЛАШ ОСОНЛАШАДИ

OpenDNS компанияси (АҚШ) интернетда ишлашни осонлаштирувчи янги хизматни йўлга қўйди. Унинг номи — ShortCuts.

ShortCuts тизими эсда сақлаш қийин ёки узун кўринишдаги интернет веб-манзиллари ўрнига қисқа калит сўзлардан фойдаланиш имконини беради. Масалан, почта хизматининг уй манзили ўрнига Mail сўзи, шахсий онлайн кундалиги учун Blog сўзини кўлласса бўлади. Лойиҳа муаллифлари мазкур хизмат нафақат манзиллар номини компьютерда теришни осонлаштиришини, балки номлари таникли ресурсларникига жуда яқин бўлган зарарли саҳифаларга тасодифий кириб қолиш эҳтимолини анча камайтиришни таъкидлашган.

## ХАКЕРЛАР ЁРДАМ БЕРАДИМИ?..

Филиппин мамлақати ҳукумати ўз электрон овоз бериш тизимининг нечоғли ишончли эканлигини синаб кўриш учун ёрдам сўраб профессионал хакерларга мурожаат қилди.



"Буюртма" асосида хакерлар ишдан чиқариши лозим бўлган ушбу электрон овоз бериш тизими Испаниянинг Scyll Consortium компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Бунинг учун Филиппин ҳукумати 450 минг АҚШ доллари сарфлади.

## ИНТЕРНЕТ — КУТУБХОНА ТАЯНЧИ

Интернетга улаанишнинг йўлга қўйилганлиги кутубхоналарга ташриф буюрувчилар сонини кескин оширмоқда. Америка кутубхоналар ассоциацияси ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги кунда деярли барча штатларда маҳаллий кутубхоналарга одамларнинг қизиқиши ортмоқда. Чунки, улар китоб ва матбуот нашрларидан ташқари, глобал тармоққа улаиб ҳам ўзларини қизиқтирган маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

## ЯНГИ ЕТАКЧИ

IDC компанияси мутахассислари 2007 йилнинг биринчи чорағига доир шахсий компьютерлар бозори ҳолатини таҳлил қилиб чиқилди. Аниқлинишича, Hewlett-Packard компанияси ушбу соҳада етакчиликни кўлга олган — унинг улуши 19,1 фоизни ташкил этади.

Харидорларнинг анча қисмини йўқотган Dell корпорацияси иккинчи ўринда (15,2 фоиз) борапти. Lenovo (6,7), Acer (6,7) ва Toshiba (4,3) компаниялари ҳам етакчи компьютер ишлаб чиқарувчилар сифатида қайд этилган.



## ● TURMUSH CHORRAHALARIDA

Рашида опа тунги навбатчиликдан анча чарчаб чиқди. Кетма-кет оғир касал қабул қилиб, уларга биринчи ёрдам кўрсатди, керакли муолажаларни ёзди. Уйига келгачгина эсига тушди: ахир, эртага туғилган куни-ку! Фарзандлари тўпланди. Бирор тансиқроқ таом пиширмасе бўлмади. Болалари хизмат вазифаси билан турли шаҳарларда яшади. Фақат кичиги Шерзод талаба. Озгина бали етмай, пуллик ўқишга илмини қолган. Эр-хотин ўқиш пулини тўлаш учун қўшимча навбатчиликлар олишган. Ишқилиб, амаллаб туришибди. У ошхонага кирди. Аксига олиб гўшт ҳам тугабди.

— Ҳа, майли, — ўйлади у. — Дадаси ҳадемай келиб қолади. Бозорга чиқиб келар.

— Ҳа, онаси, жуда ўй суриб қолибсан, — деди кириб келган Гофир ака.

— Яхши келдингизми? Эртага туғилган кунимлиги эсимдан ҳам чиқибди. Ўғил-қизларингиз оилалари билан келишадими, тайёргарлигимиз эса йўқ. Шунга бозорга бориб харажат қилиб келасизми, деб ўйлаб тургандим.

— Ҳали ишхонамга Шерзод телефон қилувди. Ҳозир келиб қолади, бирга чиқиб келаримиз.

Рашида опа кўнгли хотиржам бўлиб, рўзгор юмушларига киришди. Кўп ўтмай, ховлида Шерзоднинг товуши эшитилди. Ота-бозорга алланималар ҳақида гаплашиб туришди-да, сўнг уйга киришди. Шерзод онаси билан

саломлашиб, сиз гапиринг дегандай дадасига имлади. Рашида опа ота-боланинг қандайдир сирли борлигини сезиб, эрига қаради.

— Нима гап, тинчликми, ўзи?

олмоқчи эди. Чорсу бозоридан арзонрогини танлаб олса бўлади.

Шу хаёллар билан Рашида опа тезда кийиниб чиқди. Она-болани кузатар экан, Гофир ака ўғлига муғомбирона кўз

бобаверинглр, мен орқангиздан етиб оламан, деб қаёққадир кетди. Рашида опа ўғилларининг савлатини кўриб, ичида туф-туфлаб кўйди. Илоё кўз тегмасин, омон бўлишсин. Эри билан буларни вояга етказгунча озмунча меҳнат қилишдимми?

Рашида опанинг юраги ҳапқириб, мижжаларига ёш сизиб чиқди. Бутун умр маош билан тирикчилик ўтказган эр-хотин ҳамма вақт, ҳамма нарсанинг нархига қараб, савдоллашиб, илжи борица арзон қилиб олишга одатланган. Бирор нарсами, айниқса, бунақа қимматбаҳо буюми нархига қарамай сотиб оларман, деб хаёлига ҳам келтирмаган. Энди эса ўғиллари — алп қоматли лочинлари нархига қараманг, танланг, деб туришибди.

— Нима кераги бор. Узук, зирагим бор-ку, — деди она зўра.

Ўғиллари сотувчи билан маслаҳатлашиб, энг чиройли тақинчоқлар жамламасини сотиб олишди. Сўнг кейинги дўконлардан ажойиб жемпер, сўнги русумдаги этик, палто, рўмол, туфли харид қилишди.

Рашида опа эса оналикдек улуг мартабанинг лаззатидан маст одамдек гандирақлаб одим ташларди. Унинг барча чарчоқлари — фарзандларини ўқимшили, оилали қиламан деб эри билан баравар елиб-югурганлари шу бир соат ичида тарқалиб кетгандек эди.

Улар бозордан чиқилганда Шерзод яп-янги "Матиз" машинасининг эшигини очиб, жилмайиб турарди.

— Онажоним, олдинги ўриндиққа ўтиринг. Уйимизга ўз машинамизда кетамиз, — дейишди улар.

Бирданига шунча янгиликдан довдираб қолган она йўлда борар экан, ўғли билан эрининг муғомбирона кўз қисиллари сабабини тушун-чиройлисини танланг.

— Худога шукр, тинчлик. Шу... шаҳарга бориб келасанми демоқчидим.

— Нимага ахир, очигини гапиринглр.

— Шерзодга палто танлашда ёрдам берасанми дегандим. Озроқ пул йиғиб кўювдим. Биласан-ку, ўглинг кийим танлашни билмайди.

— Ойижон. Юрақолинг, борамизу келамиз. Қайтишда бирийўла харажат ҳам қилиб келардиқ.

— Ҳа, шумтака, нарсаларни ўзимга кўтартироқчимисан, а? — дея ҳазиллашди Рашида опа ва кийинишга кириб кетди. Ҳақиқатан ҳам ўғли кийим танлашни билмайди. Пишириқларни ҳам бозордан олишди. Қолаверса, ўзига этик ҳам

қисди. Онанинг дилидаги ҳайрат энди шубҳага айланди. Ишқилиб, яхшилик бўлсин-да.

Бир соатга қолмай улар Чорсу бозорига етиб келишди. Машинадан тушиб, онанинг ҳайронлиги юз чандон ошди. Бозор дарвозаси олдида ўғиллари Равшан, Бахтиёр, Рустамлар ҳам туришарди.

— Ҳой, сенларга нима бўлди, тинчликми ишқилиб?

Ўғилларининг саломига алик олиб, бағрига босар экан, Рашида опа уларга савол назари билан боқди.

— Онажон, онажоним менинг, — деди тўнғич ўғли Равшан, — юринг, Шерзодга палтони биргалиқда танлаймиз. Шу пайт Шерзод сизлар палто сотиладиган дўконга

## ● BILASIZMI?

## Erning ulkan "jaroḡati"

Атлантика океани тубида Ернинг улкан "жароҳати" борлиги аниқланди.

Британиялик олимлар океanning уч километрлик тубидаги улкан ҳудудда Ернинг қобиғи йўқлигини пайкаб қилишган. Ушбу очик "жароҳат"да турли минерал моддалар шундоққина кўриниб турибди. Океандаги бу ҳудуд Ернинг геосфераси бир неча ўн километр келадиган қобиқ билан қоплиниб туради. Ҳозирча бу "жароҳат" қандай пайдо бўлгани маълумлигича қолмоқда. Бир неча давлат олимларидан ташкил топган тадқиқот гуруҳи Атлантика океанига ўшуб кетган. Улар махсус қурилмалар ёрдамида ушбу ғайриоддий ҳодисани ўрганишди.



## Ona сутининг хосияти

Ақлли, омадли ва бой бўлишнинг гарови она сутидир.


Бристол университети мутахассислари узоқ йиллик тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келишди. Университет ходимлари дунёнинг турли давлатларида 15 мингга яқин 60 ёшгача бўлган ўзига тўх, жамиятда обрўга эга одамларни ўрганиб чиқишди. Тадқиқотдан кўзланган мақсад, қандай бой бўлишни аниқлаш эди. Маълум бўлишича, уларнинг барчаси болалигида фақат она сутти билан озиқланган эканлар. Изланишлардан сўнг тадқиқотчилар чақалоқлигида она суттига тўйганлар сунъий озуқа билан катта бўлганларга нисбатан 51 фоиз кўпроқ ақлли ва омадли бўлади, деган тўхтамга келишгнн.

## Ёнимиздаги ўзга олам

Сурия ҳамда Иордания чегарасидаги водийда "ўзга олам" топилди.

Водийнинг Иордан дарёси билан туташган кенг ва қалин чакалзорлари деярли шу вақтга қадар эътиборидан четда бўлиб келган. У жойларнинг, ҳатто, одам қадами тегмаган ерлари мавжуд.

"Ўзга олам" маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан тасодифан аниқланган. Бу оламнинг жониворлари ва ҳатто, ўсимликлари ҳам ҳали ҳеч қарерда кузатилмаган. "Ўзга олам"нинг тимсохлари одамларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ердаги тимсохларнинг тумшуги худди қадимги динозаврларникига ўхшаш бўлиб, фақат майда балиқлар билан озиқланади. Уларнинг жуссаси катта бўлса-да, йирик жониворларга ҳужум қилолмайди. Сабаби, бу тимсохларнинг тумшуги жуда ингичка ва узундир.



## ● Фойдали

## Маслаҳатлар

▼ Пичоқдан қай пайтда қандай фойдаланишни биласизми? Пизё тўғраётганда пичоқни дам-бадам совуқ сувга ботириб олсангиз кўз ёшланиб, ачишмайди.

▼ Соябонингизнинг букланадиган жойидаги матоси юпқалашиб, сузилиб, сув ўтказадиган бўлиб қолган бўлса, ундан воз кечингиз шоянганг! Ана шу жойининг ички томонига рангсиз тирноқ бўёғидан суриб кўйсангиз, мустаҳкам бўлади ва яна анча пайтгача сизга хизмат қилади.

▼ Жемпер кийилганда кўпинча енгининг тирсак томонидаги қисми тез тўзиб кетади. Бунинг олдини олиш учун янгилигидаёқ ўша жойга ички томонидан мато бўлагини ихчамгина қилиб тикиб кўйсангиз, узоқ вақтга чидайди.

▼ Ёқали кийимларни ёқтириб қиямиз. Лекин кашта тикилган ёки чиройли қилиб кўлда тўқилган бўлса, ювишда муаммо туғилади. Агар ўшбу усулда ювилса, шакли ўзгармайди ва ранги ҳам ўчмайди. Бунинг учун ёқани шиша ичига солиб, бир ош қошиқ тўз кўшилган илқ сув куйилади. Сўнг ёқа тоза бўлгунча бир неча марта қаттиқ-қаттиқ силкитилади.

▼ Бўялган полни латта билан ҳар куни артиш керак. Лекин пол ювиладиган сувга ҳеч қачон кир ювиш қуқуни ёки совун қўша кўрманг. Акс ҳолда, полнинг бўёги хираллашиб қолади.

▼ Чумоли кўпайиб кетса, уларнинг йўлига қуритилган мойчечак (ромашка) ўтидан сепиб кўйсангиз, бир зумда йўқ бўлади.

▼ Ваннахона ёки каравот ёнига тўшалган гилам сирганиб кетмасин десангиз, бурчакларига тўртбурчак қилиб кесилган резина бўлақларини тикиб кўйинг. Агар гиламнинг четлари қайрилиб кетадиган бўлса, четиға калинроқ тасмадан тикиб чиқсангиз тўғри турадиган бўлади.

▼ Жундан тайёрланган иплар билан тикишга тўғри келганда, ипни нинандан ўтказиш кийин бўлади. Агар ипнинг учи совун билан сал ишқалаб юборилса, нинанинг кўзидан осонгина ўтади.




## КРИС БЁРД РУСЛАНГА ҚАРШИ РИНГГА КЎТАРИЛМОҚЧИ

Яқинда суперогир вазнинг собиқ чемпиони Крис Бёрд ҳамюрти Пол Мариначчони еттинчи раундда нокаутга учратиб, жанг голиби бўлди.

Эсингизда бўлса, Бёрд ўтган йилнинг апрелида ўз камарини Владимир Кличкога бериб қўйган эди.

Кличколарнинг каттасини нокаутга учратганлиги билан ном қозонган Крис Бёрд келгуси режаларини баён этди. Унинг айтишича, Пол Мариначчога қарши жуда жиддий тайёргарлик кўрган. Сабаби, рақиб чапақай боксчи ва унга қарши ҳаракат қилиш осон кечмаслиги

аниқ эди. "Мен вазифани уддаладим, — дейди Бёрд. — Мақсадим — келгусида Руслан Чагаевга қарши рингга кўтарилиш ва чемпионлик учун курашиш. Мен чапақай боксчилар билан жанг олиб боришга кўникдим. Чагаев ҳам чапақай ва мен учун унинг бокс маҳорати билан ўзимникини амалда синая кўриш жуда қизиқарли. Умуман, бизнинг жангимиз мухлислар учун қизиқарли бўлиши аниқ".



## "НЕФТЧИ" КУРАШНИ ДАВОМ ЭТПИРАДИ, "ПАХТАКОР" ЭСА...

Севимли жамоасини кўллаб-қувватлаш учун келган мухлислардан "Фаргона" стадиони тўлиб тошди. Ўз навбатида, "Нефтчи" аъзолари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, мухлислар ишончини оқлади.

Учрашув қизиқарли ва мурасасиз ўтиши олдиндан маълум эди. Чунки, "Нефтчи" галаба қозонса, турнир пешқадамлигини мустаҳкамлаши, "Ал-Садд" эса турнир билан хайрлашиши мумкин эди. Шунинг учун ҳар иккала жамоа таркибда жиддий йўқотишлар бўлишига қарамасдан, майдонга фақат галаба учун тушди.

Уйин фарғоналиклар устунлигида бошланди. Учинчи дақиқадаёқ "Нефтчи" жамоаси ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Унг қанотдан Холматов ошириб берган тўпни Иқбол Акрамов акробатик усулда дарвоза тўрига жойлаб қўйди. Голдан кейин меҳмонлар ҳам фаоллашди ва "Ал-Садд"нинг бразилиялик ҳужумчиси Эмерсон ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Биринчи бўлим якунларига келиб, Юрий Саркисян шогирдлари яна олдинга чиқиб олишди. Массуд Тоировнинг жарима майдони томон йўллаган кучли зарбасини ҳимоячи Насим Шоимов дарвозага тўғрилаб юборди. Тўп эса Сақир кўриқлаётган дарвозанинг узоқ бурчагидан жой олди.

Иккинчи бўлим тенг курашлар остида ўтди. Икки жамоада ҳам гол киритиш учун бир неча вазиятлар юзага келса-да, ўйин охиригача ҳисоб ўзгармай қолди.

**"Нефтчи" — "Ал Садд" — 2:1**

"С" гуруҳининг иккинчи учрашувида "Ал-Карама" сафарда "Ал-Нажаф"ни 4:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Ҳозирча "Нефтчи" 9 очко билан гуруҳ пешқадами бўлиб турибди, кейинги ўринларда келаётган "Ал-Карама" ҳисобида - 7, "Ал-Нажаф"да - 4 ва "Ал-Садд"да 3 очко бор.

«В» гуруҳида кейинги босқичга йўл олган жамоа номи маълум бўлиб улгурди. Икки учрашувда ҳам «Пахтакор»ни 2:0 ҳисобида доғда қолдирган Саудия Арабистонининг «Ал-Хиллол» жамоаси шундай имкониятга эга бўлди.

Уйин биринчи бўлимининг 30-дақиқасида саудияликларнинг легионер ҳужумчиси Родриго ҳисобни очди. У ўнг қанотдан жарима майдонига етказиб берилган тўпга ҳаммадан биринчи бўлиб етиб келди ва яқин масофадан боши билан зарба бериб Нестеров кўриқлаётган дарвозани ишғол қилди. Голдан кейин вакилларимиз бир неча хавфли ҳужумлар уюштирди. Лекин уларнинг биронтасидан унумли фойдаланилмади.

Иккинчи бўлимининг охирида яна ўша Родриго «Пахтакор» дарвозабони билан яккама-якка ҳолатга чиқиб борди ва уни алдаб ўтаётганда Игнатий ҳужумчини кўполлик билан тўхтатиб қолди. Ҳакам эса 11 метрлик жарима нуқтасини кўрсатди. Пеналтни жабрланувчининг ўзи беҳато амалга оширди.

**"Ал-Хиллол" — "Пахтакор" — 2:0**

Сафардаги ушбу мағлубият «Пахтакор»нинг жорий йилда Осиё Чемпионлар лигасидаги юришига яқун ясади.

## БОКСЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Киев шаҳрида бокс бўйича аънанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Ака-ука Кличколар мукофоти учун кечган баҳсларда 25 мамлакатдан 165 нафар "чарм кўлпоп" усталари рингга чиқишди.

Мамлакатимиз терма жамоаси аъзоларидан фақатгина 51 килограммда жанг олиб борган Отабек Мамажонов яримфиналга қадар етиб кела олмади. Қолган боксчиларимиз эса совриндорлар қаторидан жой олишди. Уларнинг олти нафари — Тўлашбой Дониёров (54 кг), Абдуғофир Умаров (57 кг), Бехзод Хидиров (60 кг), Дилшод Маҳмудов (69 кг), Аббос Отаев (81 кг) ва Элёр Фуломов (91 кг)лар олтин медал соҳиби бўлишди.

Шунингдек, Рафиқ Султонов (48 кг) ва Сардор Абдуллаев (+91)га кумуш, 64 килограмм вазн тоифасида жанг олиб борган Жаҳонгир Сувонқуловга эса бронза медали насиб этди.

## ФИНАЛДАН ОЛДИНГИ ФИНАЛ

Европа Чемпионлар лигаси яримфинал баҳсларининг биринчи учрашувлари жуда мурасасиз ва қизиқарли кечди.

Айниқса, "Манчестер Юнайтед" ва "Милан" ўйини финалдан олдинги финал баҳсига айланди.

Сешанба оқшомида ушбу икки гигант жамоа ҳақиқий футбол спектаклини намойиш этишди. Бешинчи дақиқадаёқ Роналду бурчақдан оширилган тўпни боши билан дарвозага йўллади. Шундан сўнг, Карло Анчелотти шогирдлари аста-секин вазиятни ўз томонларига оғдира бошлашди. Навбатдаги ҳужумларнинг бирида меҳмонларнинг бразилиялик яримҳимоячиси Кака жамоадоши Зеедорф етказиб берган тўпни қабул қилиб олиб, чап қанотдан рақиб жарима майдони ичига катта тезликда ёриб кирди ва тўпни дарвозанинг узоқ бурчагига аниқ йўллади.

Биринчи бўлимининг охирида Кака яна ўз маҳоратини намойиш этди. Дида кучли зарб билан олдинги чиқиқча етказиб берган тўпни ўзига тўғрилаб олган футболчи "Манчестер Юнайтед"нинг уч ҳимоячисини моҳирлик билан алдаб ўтди ва яна бир бор Ван дер Сарни доғда қолдирди.

Иккинчи бўлимда Руни катта саҳнага чиқди. У учрашувнинг 59-дақиқасида мувозанатни тиклаган бўлса, ҳакам томонидан қўшиб берган дақиқаларда ўйиндаги иккинчи голини киритиб, жамоадошларини муҳим учрашувда мағлубиятга тенг дурандан сақлаб қолди.

**"Манчестер Юнайтед" — "Милан" — 3:2**

Европа Чемпионлар лигасида икки йил олдин яримфиналда тўқнаш келган Англиянинг икки жамоаси бу йил ҳам ўзаро ҳисоб-китоб қилишига тўри келмоқда. Чоршанба кuni "Ливерпул" жамоаси "Стамфорд Бриж" майдонида "Челси" меҳмони бўлди. Учрашувда Жо Коулнинг ягона голи мезбонларга галаба келтирди.

**"Челси" — "Ливерпул" — 1:0**

Жавоб учрашувлари 1 ва 2 май куллари бўлиб ўтади.



## Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Электроника ва схематехника" кафедраси катта ўқитувчиси Ж.Мирҳабибовага онаси **ХАМИДА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Қашқадарё Телеком» филиали жамоаси корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Р.Эгамуродовага падари бузруквори

**ТУРСУН** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КЎЧИМОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДУЖАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХЎЖАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

## МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эълоларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — ❌**

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
**Манзили:** Тошкент шаҳри, "Буёк Турон" кўчаси, 41-уй.

353-G сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Алади: 9584 нусха.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Саҳифаловчи: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Мити терувчи: Дифуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

ALOQACHILAR IJODIDAN

FILATELISTLAR BURCHAGI

Техника фанлари доктори, профессор Неъматулла МҮМИНОВ узоқ йиллардан буён Тошкент ахборот технологиялари университетида талабаларга касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Домла бўш вақтларида дарсликлар, илмий мақолалар ёзиш билан бирга бадий ижод билан ҳам шуғулланади. Ўз асарларида оддий одамлар ҳаёти, интилиши ва орзу-умидларини ёрқин сатрларда акс эттиришга ҳаракат қилади.

Қуйида Н.МҮМИНОВ қаламига мансуб “Ҳалима” қиссасидан парча ўқийсиз.

Ҳалима... Бу исмни эшитган киши дунё гўзалларининг гўзали ва ҳусни ойга тенглаша оладиган Зухра, Ширин, Лайло ва Гавҳарларнинг сиймосини кўз ўнгидан ўтказса, хато қилмаган бўлади.

Ҳалима ўн олти баҳорни кўрди-ю, уларнинг уйдан совчилар қадами узилмай қолди. Кунда паранжи-чачвон тутган аёллар келмаган вақт йўқ. Раҳима хола уйни ташлаб бирор жойга боришга ҳам юраги бетламай қолди. Ҳалима уйдан кўчага чиқарилмас, у ер-бу ерга ҳам бирор киши билан биргаликда юбориларди. Бу одатлар унга ҳар қанча салбий таъсир этмасин, бошқа иложи йўқ эди. Ахир, дунёда ёмонлар қанча?..

Кунларнинг бирида Ҳалима холасиникига борди. Худди шу кунни холасининг яқинда уйланган ўғли Азизжон ҳам ўз ўртоқларини йиғиб суҳбатлашиб ўтирган экан. Холаси уларга овақт қилиш билан овора. Ҳалима ҳам ҳеч ниммага эътибор бермай, дарров уй ишларига уннаб кетди.

Азизжоннинг энг яқин дўсти Маҳаммаддон ҳам шу ерда эди. У Азизжон билан бирга университетни тамомлагандан сўнг, аспирантурага жойлашган ва уни ҳам якунлаш арасида турган йиғит. Лекин шу пайтгача уйланмаган. Уйдагилар “Ўқишинг ҳам курсин, қарианингга уйланасанми?” — деб уни зўрлагани зўрлаган. У эса бундай пайтларда “Ахир, мен ўқимишли йиғитман, ўз севганимни топишим керакми-йўқми, илтимос, мени шоширманглар”, — деб кўяр эди. Аммо шундай дейишга дердию ичидан зил кетарди. Ёши 25дан ўтиб қолганига қарамай ҳалигача ўз муҳаббатини топгани йўқ. Ҳаётнинг эса навқирон пайти ўтиб борапти!

У ўз сирларини фақат Азизжон билан дардлашар ва ҳар гал “Азизжон, хўп яхши иш қилдингизда, шартта уйланиб олдинг. Мендек судралиб юрмading”, — деб ҳазиллашарди. Бугун ҳам Азизжон ҳар гапнинг ўртасида Маҳаммаддонга уйланиш ҳақида шама қилиб, қизиқчилик баҳона яна шу мавзудан гап очар эди.

Маҳаммаддон тоза ҳаво олиш мақсадида айвонга чиқди. Ҳовлидаги ўрик дарахти тагида турган Ҳалимага кўзи тушдию қарахт ҳолда қотиб қолди. Ўнгими ёки туши? Ҳалима ҳам беихтиёр унга қаради. Шу қарашлардаёқ қалбларида Ўзабр севиғи нурлари жилва қилди. Юраклар шундай тез ура бошладикки, шу оний вақт ҳаммасини хал қилди, гўё.

Маҳаммаддон анча вақт шу ҳолда туриб қолди. Сўнг дўстлари ёнига

қайтди. Хонада кўнгил очиб авжида. Хуллас, дўстлари бор истеъдодини — билган-тўқиган ашула, ўйин ва шеърларини ҳеч бир тортинмай намойиш этмоқда эдилар. Гал Маҳаммаддонга етиб келди. У ўрнидан турди. Кўли билан галстук ва костюмларини тўғрилади олди. Доим шундай йиғилишган пайтда

Маҳаммаддон ўзининг янги асарларидан парчалар ўқиб берарди. Лекин бу сафар ундай бўлмади, у

# Ҳалима

(Қиссадан парча)

қачонлардир ёдлаган муҳаббат ҳақидаги газалини бошлаб юборди. Унинг ўзгача оҳангига чолғучи “Муножот” куйи билан жўр бўлди. Ўтирганлар ўзларини худди майин шабада эсиб турган мажнунтоғлар соясида, кўл бўйида дам олаётгандек ҳис қила бошладилар.

Йўқ, фақат хонадагиларнинг ўзигина эмас, балки дераза олдида тўпланган Азизжоннинг оила аъзолари ва бошқалар ҳам жон диллари билан тингламоқда эдилар газалини. Булар орасида Ҳалима ҳам бор эди.

Маҳаммаддон тўсатдан тўхтаб қолди, чунки у дераза томонга қўз ташлаб холаси орқасида турган Ҳалимага кўзи тушган эди. Буни Ҳалима ҳам сезди ва ошхонага чопиб кетди, Маҳаммаддон эса шартта ўрнига ўтириб олди. Хонадагилар Маҳаммаддонга, ҳовлидагилар эса Ҳалимага ҳайратда тикилиб қолдилар. Қандай илоҳий куч келдики, бу иккала ёшга бир онда бир хил йўналишдаги хатти-ҳаракат берди. Бу ерда фақат уларгина биладиган каттақон сир бор эди.

Маҳаммаддон Азизжонларникига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Ҳар гал келганида нуқул Ҳалима ҳақида гап очар, у билан учрашиш йўллари кидирар эди. Илмий ишини ҳимоя қилиши учун уч ойга яқин муддат қолган. Отанаси ҳам, унинг ўзи ҳам ана шу уч ой ичида тўй-томошани ўтказиш ниятида, бунинг учун эса Маҳаммаддон қимга уйланмоқчилигини айтиши зарур эди. Маҳаммаддоннинг Ҳалима қачон уларникига келса, унга хабар беришлари ҳақидаги илтимосини Азизжонлар оиласи қабул қилишди.

Бир кунни тасодифлар кўеши чиққан кун эканми, аслида бир хил истак билан

йўлга чиққан бу икки ёш Азизжонларнинг эшиги ёнида учрашиб қолишди.

Ҳалима Азизжоннинг рафиқаси Ҳамро билан кўришаркан тинмай ҳарсиллар, гапини зўрга-зўрга топиб гапирар, пешонасидаги қалин сочларининг тагидан томчи-томчи тер резалари ялтираб кўриниб турарди. Унинг кетидан қизариб Маҳаммаддон кириб келди. Ҳаяжоннинг зўридан нуқул “Соғлиқлар жойидами?” дер эди, холос. Ҳамро уларни уйга таклиф этди.

Тез фурсатда Назира хола овақт пишириб келди. Биргаликда уни тановул қилишди. Ҳар замон-ҳар замонда Азизжон Маҳаммаддонга кўзини қисиб жилмайиб кўярди. Бу табассум замирида, бугун бахт китобининг варақлари очилган кун эканда, даяётгандек эди.

Азизжоннинг онаси ташқарига чиқди. Азизжон ҳам бир имо билан Ҳамронинг кетидан эргаштирди. Маҳаммаддон ва Ҳалима ёлғиз қолишди. Ноқулай аҳволга тушиб қолган Ҳалима ҳам секин-аста ўрнидан кўзгаллиб, эшик томон йўналди. Энди эшик бандига кўл чўзган эди, Маҳаммаддон тезда ўрнидан турди, унинг ўнг билан ушлаб ўзига қаратди. Ҳалиманинг елкаси тўла майда қилиб ўралган узун қора сочи тўлғониб тушди. У икки кўзини ерга тикканча унсиз туриб қолди.

Маҳаммаддон тез-тез, дон-дона қилиб гапир бошладилар. Шу онда юракдаги борини чиқариб ташлади. Сўзларини тамомлади-ю, ташқарига отилди... Шу кунни Маҳаммаддон ҳам, Ҳалима ҳам ажиб туйғулар билан ўтказдилар. Ишқ севинчи уларга тинчлик бермас эди. Апрель ойида Маҳаммаддон диссертациясини ёқлади. Беш кун ўтгандан сўнг тўйни бошлаб юборишди.

Авалгидек бир-бирининг висолига ташна бўлиб юришлар ўтиб кетди. Энди Маҳаммаддон севгилисининг доимо ёнида эканидан масрур эди. Ҳалима ҳам унга шундай монанд тушди-ки, озгина муддат ичида барча асарларини ўқиб чиқди. Ҳалиманинг бундай романтиклиги Маҳаммаддоннинг ижодига ижод, руҳига руҳ қўшди. Дунёда мақсадга эришганларгина яшасалар яхшида деганларидек, бу икки топишганлар ҳам жуда қувноқ ва ширин яшай бошладилар.

Уларнинг тўйларидан уч ой ўтар-ўтмас, неча миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган Иккинчи жаҳон уруши бошланди...

Неъматулла МҮМИНОВ

2001 йилда ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

313. “Захириддин Бобур” купонли почта маркаси. З.СЕЙФУЛЛАЕВА дизайни.



Маркада машҳур ўзбек давлат арбоби, адабиётшунос олими, саркарда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг Андижон шаҳрида ўрнатилган ҳайкали тасвирланган.

314. “Ал-Марғиновий мақбараси” купонли почта маркаси.



Бурхониддин ал-Марғиновий XII асрнинг машҳур ҳуқуқшунос олими, муслмон ҳуқуқига шарҳлар берилган “Ҳидоя” асарининг муаллифидир. У муҳаддис, адабиётшунос ва шоир сифатида танилган.

Ал-Марғиновий мақбараси Марғилон шаҳрида ўрнатилган.

BU — QIZIQ!

“Мегафон-Москва” мобил тармоғи маълумотига кўра, ўтган якшанба кунини аукционда Россия уяли алоқаси тарихидаги энг қиммат телефон рақами сотилган.

“ЧИРОЙЛИ РАҚАМЛАР” АУКЦИОНИ



Номаълум харидор сир сақланган ушбу рақамни 105 минг рублга сотиб олган.

“Чиройли рақамлар” сотувга қўйилган бу ноъанавий аукцион пойтахтдаги машҳур Dagiёv клубида ўтказилган. Сотувга Мегафон коллекциясида жами бешта эксклюзив рақам қўйилган. Шунингдек, ташкilotчилар аукционда 926 кодли федерал рақамни 100 минг рублга сотишга муваффақ бўлди.

“Ўзи-Самарқанд” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш бўлими менежери Абдуроҳмон ХОТАМОВни муборак 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга сизхал-саломлик, оилавий хотиржамлик, ижодий баркамоллик тилайди.

«Xabar» газетаси жамоаси газетанинг Самарқанд вилоятидаги мухбири Абдуғофур ХОТАМОВни кулгўл 50 ёши билан муборакбод этади. Унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

“Фаргона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал ходимлари – Хотамжон РОЗИКОВНИ 55 ёшга, Ҳасанжон ИҮЛДОШЕВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан ҳамда Абдурахим МИРЗАРАҲИМОВНИ тугилган кунин билан қўлайди. Уларга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари “Навоий Телеком” филиали директори Бозорали ТУНГИШБАЕВНИ кулгўл 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга мустахкам соғлиқ, тинчлик ва ишларида омад тилаб қолади.



—БУНАҚА КОНВЕРТЛАР ЎТМАЙДИ! ХАТНИ СТАНДАРТ КОНВЕРТГА СОЛИНГ, БУЛАР «ТЕПМА-КУ!» — ДЕДИ АЛОҚАЧИ.  
...ЯРИМ ШАҲАРНИ АЙЛАНИБ ҲАМ МАТБУОТ ДҲКОНЛАРИДАН РИСОЛАДАГИ ХАТЖИЛДНИ ТОПОЛМАДИМ. БАРЧАСИ КЕЛИШИБ ОЛГАНДАЙ, ФАҚАТ СОХТА ХАТЖИЛДЛАРНИ СОТИШЯПТИ...